Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 29 декабрь
ШАНБА
№ 298 (5.091).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ИНСОН—ТАБАРРУК!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН КУРАШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ

Яқинда матбуот саҳифаларида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ҳаракат дастури эълон қилинди. «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» деб номланган, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичида қабул қилинган мазкур тарихий ҳужжат жумҳуриятимизнинг бундан буёнги тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракат дастурининг бошланиш қисмидаёқ «Ўзбекистон Коммунистик партияси... инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавийлик ва инсонпарварлик қондаларини қарор топтириш йўлида жамиятни социалистик негизларда янгилашни ўзининг бош вазифаси қилиб қўяди», — деб таъкидланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури съезд қун тартибига киритилишидан олдин жумҳурият партия ташкилотларида, матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Марказий Қўмитага, тайёргарлик комиссияларига, матбуот органларига қарийб 2 мингта таклиф ва мулоҳазалар ҳавола этилди. Улар атрофлича ўрганилди, Марказий Қўмита пленумида кўриб чиқилди. Ана шундай маслаҳатлашувлардан кейингина ҳаракат дастури қабул қилинди.

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичидаги маърузасида: «Жумҳурият коммунистлари ўз фаолиятларининг асл мақсади деб шундай шароитларни яратишни тушунадиларки, унда ҳар бир онла, ҳар бир меҳнаткаш фаровон, тинч-хотиржам яшай оладиган бўлсин... Ўзбекистон Компартиясининг асосий стратегик вазифаси — бу кўҳна ва гўзал диёримизда яшаётган халқимиз ва барча халқларининг фаровон ҳаёти учун жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришишдир», — деб таъкидлаб ўтди. Съездда қабул қилинган ҳаракат дастури бошидан охиригача айнан шундай ғоя — ҳар бир инсонга фаровон яшаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш руҳи билан йўғрилган.

Ҳаракат дастурининг бешта бўлимида одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳар бир кишининг маънавий камолотига эришиш ва ижтимоий адолатнинг қарор топишини таъминлаш масалалари атрофлича қамраб олинган. «Ўзбекистон ССЖнинг чинакам сиёсий мустақиллиги учун» деб номланган дастлабки бўлимда жумҳуриятимиз Компартияси Ўзбекистоннинг сиёсий суверентети ва иқтисодий мустақиллигининг моддий асосини таъминлайдиган ер, еростидаги қазилмалар, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, вужудга келтирилган иқтисодий ва илмий имкониятлар, меҳнат натижалари жумҳуриятнинг мулки бўлиши керак, деган фикрда қатъий эканлиги уқтириб ўтилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон тенгҳуқуқли давлат сифатида манфаатларининг муштараклигини кўзда тутадиган халқаро муносабатлар негизида иш кўрмоғи керак.

«Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қондалари тўғрисида» деб номланган бўлим ҳаракат дастурида муҳим ўрин эгаллайди. Унда таъкидланганидек, жумҳурият ҳудудида яшовчи одамларнинг манфаатлари йўлида унинг табиий бойликларидан, вужудга келтирилган имкониятлардан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланишда тўла мустақилликни таъминлаш ўртага қўйилган мақсадга эришишнинг энг муҳим шарти бўлмоғи лозим. Ушбу ҳужжатда уқтириб ўтилганидек, Ўзбекистон Компартияси қуйидаги масалаларни энг биринчи навбатдаги вазифалар қаторига киритишни зарур деб ҳисоблайди:

— ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш, қишлоқ манзилгоҳларининг, қўрғонларининг, кичик ва ўртача шаҳарларнинг индустриал иқтисодий имкониятларини жадаллик билан кўпайтириш;

— фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этиш, илм-фан ютуқларидан кўпроқ фойдаланадиган ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга ва халқ хўжалигини компьютерлашга ўтиш;

— аҳолининг иш билан ғоят тўла-тўкис ва самаралн таъминланиши, касб ўргатиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизликни камайтириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

— пул муомаласини ва истеъмол бозорини нормаллаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларни асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан, энг зарур моллар, дори-дармонлар билан кафолатли равишда таъминлаш;

— ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга моддий ҳамда молиявий ресурсларни биринчи галда ажратиб бериш.

Иқтисодиётнинг деҳқончилик-саноат мажмуи тармоқларини ривожлантириш масалалари ҳаракат дастурида кенг қамраб олинган. Бу борада энг асосий вазифа — барча маҳсулот етиштирувчилар меҳнатини рағбатлантиришдан, уларнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини оширишдан, ҳам жамоа хўжаликлари, ҳам оилавий ва шахсий хўжаликларнинг мустақиллиги ҳамда имкониятларини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборатдир. Ҳаракат дастурида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигига сармоя сарфлашни кўпайтиришга эришиш, етиштирилган маҳсулотга иқтисодий жиҳатдан эркин, асосланган харид нархлари белгилаш, иш жараёнларини механизациялаш, илғор усулларни изчиллик билан жорий этиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш барча коммунистларнинг жонажон иши бўлмоғи зарур. Ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини, шунингдек хўжаликни кўпчилик, жамоа бўлиб юритиш тарихан таркиб топганини ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчиликни жорий этиш жумҳуриятимиз шароитида мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидлаб ўтилган. Хўжалик юритишнинг ижара, пудрат ва бошқа усулларини қўллаш бундан буён ҳам яхши натижа бериши мумкин. Ана шу йўналишларда жумҳуриятимизда яхшигина тажриба тўпланди. Илгари 1 миллион 870 минг ошла томорқага эга эди. Уларнинг ери ўртача 12 сотихни ташкил этарди. Президентнинг фармони қабул қилинганидан кейин эса 167 минг гектар суғорилган майдон томорқа учун ажратилди. 500 мингга яқин онла томорқа олган бўлса, қарийб 1 миллион хонадон қўшимча ерга эга бўлди. Уларнинг томорқалари ҳозирги пайтда ўртача 19 сотихни ташкил этмоқда.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш борасида ўзаро ҳамкорлик пайтда бирмунча силжишларга эришилди. Бунда Ўзбекистон ССЖ Президентининг аҳолини қорамол, парранда ва чорва озуқаси билан таъминлаш ҳақидаги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги пайтда қишлоқ меҳнаткашлари жамоа ва давлат хўжаликларидан 54 минг бошга яқин бузоқ, 35 минг чўчқа боласи, 300 мингдан знёд қўй-эчки, 7,5 миллион бош парранда сотиб олиб, парваришламоқдалар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш мақсадида 1990 йилнинг ўзида аҳолига 815 минг тонна хашак, 152,2 минг тонна ширали озуқа, 444 минг тонна беда пичани сотилди. Бу ғамхўрликлар гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда, онларнинг даромадларини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг ушбу ҳаракат дастурида «Коммунистлар пахта яккаҳокимлигини рад этиб, деҳқон қайси экинни ва қачон экиш лозимлигини ўзи танлаб олиши учун имконият яратиб бериш тарафдоридирлар. Маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олиниб, энг кўп даромад берадиган ва қишлоқ аҳлининг кўпроқ банд бўлишини таъминлайдиган экинлар далалардан биринчи галда ўрин олиши керак. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва йиғиштириб олишни механизациялаш муаммолари янги иқтисодий асосда ҳал этилиши лозим», — деб алоҳида таъкидлаб ўтилган. Кейинги йилларда айнан шу йўналишда кўпгина тадбирлар амалга оширилди. 1988—1990 йилларда чигит экиладиган майдонлар 8 фоиз қисқартирилди ва бу йил унинг барча суғорилдиган ерлардаги салмоғи 65 фоизни ташкил этди. Илмий асосланган алмашлаб экишнинг жорий этилганлиги, пахта яккаҳокимлигига изчиллик билан барҳам берилаётганлиги туфайли ҳосилдорлик ошиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори кўпайиб бораяпти. Ҳаракат дастурида худди шу йўналишдаги тадбирларни кенг кўламда давом эттириш кўзда тутилган.

Аҳолиси табиий равишда тез ўсиб бораётган жумҳуриятимиз учун одамларни иш билан таъминлаш энг долзарб муаммосига доир тадбирларга кенг ўрин берилган. Ушбу ҳужжатда «Иш ўринларини барпо этиш вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, онларнинг анъанавий кўп болалилиги, онларнинг ўзи туғилиб ўсган жойга тарихан содиқлиги ҳисобга олиниб, шунга мос келадиган корхоналар ривожлантирилиши керак» деб таъкидлаб ўтилган. Ана шу вазифаларни адо этиш учун Ўзбекистон Компартиясининг ташаббусига кўра «Иш билан таъминлаш» жумҳурият давлат дастури ишлаб чиқилган ва унинг йўналишлари қатъий белгилаб олинган.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш, илмий-техникавий тадқиқотларни изчил олиб бориш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва бошқа долзарб масалалар ҳам Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастуридан муносиб ўрин олган. Ёшларда меҳнатсеварлик ва меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, ватанпарварлик ҳамда байналминалчилик сингари фазилатларни шакллантириш, бу ишда оила, мактаб ҳамда бутун жамиятнинг мавқеини ошириш масалалари партия ташкилотларининг диққат марказида бўлади.

Мазкур тарихий ҳужжатда «Ўзбекистон Коммунистик партияси Ўзбекистон ССЖ Конституцияси ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, ўзининг таклифи бўйича давлат ҳокимияти органлари қабул қилган жумҳуриятни ривожлантириш дастурлари учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига олади», — деб таъкидланган. Демак, жумҳуриятимиз коммунистлари Ўзбекистоннинг бундан буёнги тақдири ва тараққиёти учун бўлган бутун масъулиятни ўз зиммаларига қабул қилиб, дуч келинадиган қийинчиликларни мардона бартараф этишга, одамларни фаровонлик ва маънавий камолот сари бошлаб боришга бел боғлаганлар.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ МАМЛАКАТ ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи Съезди сизларга, мамлакат фуқароларига мурожаат қилади.

Биз, ССЖИ халқ депутатлари ўз масъулиятимиз меъёрини англаб, сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга эришиш, яхшилик сари бурилишни амалга ошириш, мамлакат парчаланишининг олдини олиш учун шу Съездда имкони бўлган ҳамма ишни қилдик. Съезд ҳар томонлама ва қатъий дастурни қабул этди, совет кишиларининг талаблари ва умидлари, уларнинг ташвишлари ва фикр-ўйлари шу дастурда ифодалаб берилди.

Съезднинг мамлакатни мушкул аҳволдан қутултириш мақсадини кўзловчи қарорларини сизлар онгли равишда фаол қўллаб-қувватламасангиз, демократик ҳокимият билан халқ баҳамжиҳат ҳаракат қилмаса, бу қарорлар қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Бизо буни англаб турибмиз ва шу сабабли ҳаммангизни ижобий ҳаракат қилишга қатъият билан даъват этамиз.

Биз ҳақиқий аҳвол ва масъулият туйғуси билан иш тутаётган, ўз ҳонадонининг, ўз мамлакатининг фаровонлиги йўлида жипслашишга ва ишлашга тайёр бўлган ҳар бир кишини инсоний иноқликка ва ҳамкорликка даъват этамиз. Бир-биримизга қўл узатадиган пайт келди — айни бирлашишгина тарихнинг қалтис даврларида неча марталаб мамлакат халқларининг мушкулини осон қилган.

Қийинчиликлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Келгусида кўпгина синовлар турибди. Аммо биз вазиятни нормаллаштириш учун шароит вужудга келаётганини масъулият билан таъкидлаймиз.

Съезднинг ижроия ҳокимиятини кучайтиришга оид қарорлари давлат бошқарувининг шундай тузилишини вужудга келтирадики, у мамлакатнинг барча фуқаролари, барча ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар қонунларни бекаму кўст ижро этишларини таъминлайди. Жиноятчиликка, порахўрликка, пинҳона иқтисодиётга ҳужум қилиш учун шароит яратиш чора-тадбирлари кўрилди.

Биз демократиялашнинг қийин йўлини давом эттиришга чақирамиз, бундан бошқа йўл йўқ. Бироқ ҳаддан ошиш ва бедодлик одамларнинг хавфсизлигига ва ҳатто ҳаётига таҳлика солаётган экан, ўз фуқароларини ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим вазифасидир. Ҳозир ҳар бир киши ҳозирги ва эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлиши учун, мўл-кўлчилик вужудга келиши учун, фарзандларимиз соғлом ўсиши учун, одамлар ўзларига ва яқин кишиларига таҳлика туғилишидан чўчимайдиган бўлишлари учун онгли интизомга асосланган энг оддий тартибни таъминлаш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Биз пулнинг қадрсизланишини жиловлаш юзасидан, бозорни моллар билан мўл-кўл таъминлаш юзасидан, озиқ-овқат маҳсулотлари одилона тақсимланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши учун шошилинч чора-тадбирлар кўрилишини ёқлаб чиқдик. Ҳар бир ҳодимнинг шахсий манфаати асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган бозор иқтисодиёти сари қадамлар қўйилди. Мамлакат минтақалари ўртасида вужудга келган хўжалик алоқаларининг барбод бўлиш жараёнини тўхтатиш, экология хавфсизлигини таъминлаш учун зарур ишларнинг ҳаммаси қилинмоқда, биз корхоналарнинг жамоаларини шартномалар ва ўзаро мол етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини қатъий бажаришга чақирамиз. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди! Бу нарса миллий фалокат хавфини туғдиради.

Биз кўп асрлар давомида шу ерда яшовчи халқларнинг куч-ғайратлари билан барпо этилган буюк давлатимизни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида Иттифоқ шартномаси тузилишини қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Янгиланган ССЖ иттифоқида ҳар бир жумҳурият бошқалар билан тенг равишда ўз мустақиллигини рўёбга чиқара олади ва ҳар бир киши ўз шахсини намоён эта олади. Ҳаётнинг ўзи огоҳлантирмоқда: мамлакатнинг парчаланиши турмуш даражаси пасайишига, кескинлик кучайишига, ташқи дунё билан муносабатлардаги оқибати даргумон чигалликларга, давлат ва барча халқларнинг хавфсизлиги путурдан кетишига олиб боради.

Биз миллатлараро можароларга дучор бўлган ҳамма халқларни ўз низоларини яхши қўшничилик руҳида ҳал этишга, бусиз ҳам ҳаддан ташқари кўпайиб кетган мусибат ва фожиаларни кўпайтирмасликка чақирамиз. Биз жумҳуриятларнинг ҳукуматларини инсон ҳуқуқларига риоя этиш, барча ижтимоий ва миллий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида мамлакат раҳбарияти билан фаол баҳамжиҳат бўлишга чақирамиз.

Биз мамлакат халқ депутатлари Советларини ҳамкорликка чақирамиз. Чунки қўрғон ва қишлоқ Советларидан тортиб то жумҳурият ва иттифоқ Советларига қадар — уларнинг ҳаммалари бир манбадан ваколат оладилар: уларга ҳуқуқларни ўша сайловчилар берадилар. Шунинг ўзиёқ можарони эмас, балки ҳамкорликни тақозо этади.

Биз барча сиёсий партияларга ва жамоат ҳаракатларига мурожаат қилиб, амалий ҳамкорликка чақирамиз. Бизнинг назаримизда, съезд турли кучларнинг мана шундай бунёдкорона, ҳалол мулоқоти намунасини кўрсатди, буни давом эттириш ва ривожлантириш керак.

Биз ўз сайловчиларимизга мурожаат этиб, мадад беришларини сўраймиз. Пухта ўйланмаган сиёсий қадамлардан, иш ташлашлардан ва вазиятни баттар беқарорлаштиришни мумкин бўлган бошқа хатти-ҳаракатлардан тийилиш — сизларнинг ёрдамингизидир, бузғунчилик ва чайқовчилик йўлини тўсадиган самарали ишчи назоратини йўлга қўйиш — сизнинг ёрдамингиздир. Бошқа халқларга, ҳар қандай миллатга, динга, эътиқодга мансуб кишиларга хайрихоҳлик — сизларнинг ёрдамингиздир.

ССЖИ Президентига, жамиятдаги ҳақиқатда мавжуд бўлган хилма-хилликни ифодаловчи мамлакат депутатлари корпусига ишонч — сизнинг ёрдамингиздир. Биз — ҳар хилмиз, аммо биз бир масалада —ўз мамлакатимизнинг фаровонлиги йўлини излашда яқдилмиз.

Сизлар Совет давлатининг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, ССЖИдаги иқтисодий ва демократик ўзгартишларни давом эттириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташқи сиёсатини фаол қўллаб-қувватлашингизга умид билдирамиз.

Азиз ватандошлар!

Биз сизларга янги, 1991 йил арафасида мурожаат қилаяпмиз. Бу йил Ватанимизга орзиқиб кутилган осойишталик келтирсин, ҳар бир совет оиласига омон-эсонлик ва бахт-саодат тиламиз.

ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ТУРТИНЧИ СЪЕЗДИ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 декабрь.

ЙЎЛ ТАНЛАБ ОЛИНДИ

ССЖИ халқ депутатлари IV съезди 27 декабрь куни ишни одатдагидан эртароқ бошлади. Эрталаб соат 9 да халқ вакиллари ССЖИ вице-президенти лавозимига ССЖИ Президенти тавсия этган Г. И. Янаев номзоди учун, ССЖИ Олий Кенгаши таркибини янгилаш учун яширин овоз беришга киришдилар.

Овоз бериш икки соат давом этгандан сўнг **А. И. Лукьянов** раислигида мажлис бошланди.

Депутат генерал-полковник **Б. В. Громовга** сўз берилади. Унинг таклифига биноан съезд қатнашчилари совет қўшинларини Афғонистонга киритиш бошланганлигининг 11 йиллиги муносабати билан ҳалок бўлган аскарлар, сержантлар, прапоршчиклар, офицерлар, генераллар ва Совет Армияси хизматчиларини хотирладилар.

Анъанага биноан съезд котибиятининг ахбороти эшитилди, ахборот бериш учун котибият раҳбари **А. П. Яненко** сўзга чиқди.

У айтдики, котибият ўз иши ҳақида катта ҳисобот тайёрлади ва вақтни тежаб уни ўқиттирмасдан, балки «Известия» газетасида тўла эълон қилиш учун беришга қарор қилди.

Шошилинч хабар учун ССЖИ молия вазири **В. С. Павловга** сўз берилади.

Сизнинг ишингиз мамлакатимиз ундаги жуда кўп хилма-хилликларга қарамай бозор муносабатларига ўтиш йўлини қатъий танлаб олганлигини ишонарли равишда тасдиқлаб турибди, деди у. Бу жараён ҳозир фаолиятнинг барча соҳаларини ва барча минтақаларни қамраб олди, бироқ, афсуски, янгиликни яратиш, ўзлаштириш анча кечикиб қолмоқда, кўпинча турли хатолар билан содир бўлмоқда. Аҳволнинг тағин ҳам ёмонлашишига йўл қўймаслик учун Иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар ўтиш даври учун хўжалик алоқаларини ва молиявий муносабатларни бошқарувчи битим имзолаш ғоят зарурат бўлиб қолди.

Менга бугун съездга ССЖИ Президенти ва Федерация Кенгашининг топшириғи билан амалга оширилган иш озиқ-овқат етказиб бериш масалаларида илгари ўзаро келишилмаган барча масалалар юзасидан аҳдномага эришишга ва барча иттифоқдош жумҳуриятлар билан битимни имзолашга (Украина ССЖ марказлаштирилган фондига гўшт етказиб бериш ҳажмига доир аҳдномадан ташқари) имкон берганлигини айтиш топширилган. Бу соҳадаги иш давом эттирилмоқда, ҳозир ана шу аҳдномаларни дарҳол амалда бажаришга ўтиш жуда муҳим.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан 1991 йил умумий битимига келганда эса, ҳозир шуни айтишим мумкинки, иттифоқ идораларининг ва жумҳуриятларнинг вакиллари корхоналар мамлакат ҳудудининг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар уларнинг ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш ишини қисқа муддатда тугаллашга келишиб олдилар.

Қишнинг совуқ келиши билан боғлиқ масалалардан ташвишланаётган иттифоқ идоралари ва жумҳуриятлар 1991 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-маданий муассасаларга, шунингдек коммунал-маиший эҳтиёжларга озиқ-овқат, ёқилғи ва энергия етказиб бериш би-

(Давоми 2-бетда).

Геннадий Иванович ЯНАЕВ

ССЖИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ

1937 йил 26 августда Горький вилоятида деҳқон оиласида туғилган. Миллати рус, 1959 йилда Горький қишлоқ хўжалик илмгоҳини битирган, 1967 йилда Бутуниттифоқ адлия илмгоҳининг сиртқи бўлимини тугатган, тарих фанлари номзоди, 1962 йилдан КПСС аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Горький вилоятида Работкидаги РТС механика отрядининг бошлиғи лавозимидан бошлаган. Кейин «Сельхозтехника»нинг Работки бўлими бош инженери, Княгинино бўлими бошқарувчиси бўлиб ишлаган. 1963 йилдан Горький вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи, 1966 йилдан эса биринчи котиби бўлган. 1968 йилдан ССЖИ ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси. 1980 йилдан чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари иттифоқи раёсати раисининг ўринбосари. 1986 йилдан ВЦСПС котиби, 1989 йилдан ВЦСПС раисининг ўринбосари, 1990 йил апрелидан июлгача ВЦСПС раиси бўлган. КПСС Марказий Қўмитасининг 1990 йилги июль пленумида КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби этиб сайланган.

ССЖИ халқ депутатларининг IV Съездида ССЖИ вице-президенти этиб сайланди.

1989 йилда ССЖИ касаба уюшмаларидан ССЖИ халқ депутати этиб сайланган.

ССЖИнинг давлат мукофотларига эга.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

«ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СИСТЕМАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ССЖИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ССЖИ ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

1-модда. «Давлат бошқаруви системаси такомиллаштирилиши муносабати билан ССЖИ Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ССЖИ қонуни қабул этилган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2-модда. ССЖИ Вазирлар Кенгаши, ССЖИ халқ депутатлари съездига, ССЖИ Олий Кенгашига ҳисоб берадиган бошқа давлат идоралари ва мансабдор шахслар мазкур қонунга биноан давлат идоралари тузилиб, мансабдор шахслар тайинлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қоладилар.

3-модда. Белгилаб қўйилсинки, биринчи марта ССЖИ вице-президенти ССЖИ биринчи Президентининг қолган ваколат муддати учун ССЖИ халқ депутатлари съезди томонидан сайланади. ССЖИ халқ депутатлари умумий сони овозларнинг ярмидан кўпроғини олган номзод сайланган ҳисобланади.

4-модда. ССЖИ Олий Кенгашига Федерация Кенгашини, ССЖИ Вазирлар маҳкамасини, ССЖИ Назорат палатасини, ССЖИ Олий ҳакамлик судини ташкил этишни уларнинг ваколатлари ва фаолият тартибини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиб, қабул этиш, шунингдек ССЖИ халқ депутатлари съездининг ва ССЖИ Олий Кенгашининг иш тартибига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш топширилсин.

ССЖИ Президентига ССЖИ хавфсизлик кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш топширилсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 декабрь.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори

ССЖИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

Ўртоқ Геннадий Иванович **Янаев** ССЖИ вице-президенти этиб сайлансин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 декабрь.

ССЖИ БОШ ПРОКУРОРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди ССЖИ Президентининг таклифини кўриб чиқиб, **қарор қилади:**

Ўртоқ Николай Семёнович **Трубин** ССЖИ Бош прокурори этиб тасдиқлансин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 декабрь.

ССЖИ ОЛИЙ ҲАКАМЛИК СУДИ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди ССЖИ Президентининг таклифини кўриб чиқиб, **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Вениамин Фёдорович **Яковлев** ССЖИ Олий ҳакамлик судининг раиси этиб сайлансин.

2. Ўртоқ В. Ф. Яковлев зиммасига ССЖИ Олий ҳакамлик суди тузилгунига қадар ССЖИ Бош давлат ҳаками ваколати юклатилсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 декабрь.

ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИДА

ЙЎЛ ТАНЛАБ ОЛИНДИ

(Бошы биринчи бетда).

ринчи навбатда таъминланиши лозимлигини ва ҳар қандай шароитда ҳам бундай маҳсулотлар ўтган йилги ҳажмдан кам бўлмаслиги кераклигини тан олдилар.

Иттифоқ ҳамда жумҳуриятлар нарх белгилаш соҳасида ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш учун аҳдлашиб олдилар, бундай сиёсат ССЖ Иттифоқининг бутун ҳудудида товар ишлаб чиқарувчиларнинг кенгҳуқуқли ва эркин рақобатини таъминлаган бўлур эди, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш, иш билан таъминлаш, аҳолининг кўчиб юришини тартибга солиш, ижтимоий соҳада давлатнинг энг кам миқдордаги кафолатларини белгилаб қўйишга имкон берган бўлур эди. Ташқи иқтисодий ҳамда валюта сиёсатини биргаликда ишлаб чиқиш, бу сиёсатнинг қарорларини иттифоқ-жумҳурият валюта қўмитаси йўли билан амалга ошириш тўғрисида келишиб олинди.

Иттифоқ билан жумҳуриятлар янги улгуржи харид нархлари ва тарифларини олдин қабул қилинган қарорларга мувофиқ, бу нархлар ҳозирги пайтда корхоналар ва ташкилотлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларига асос қилиб олинганлигини ҳамда 1991 йил учун хўжалик шартномаларини тузиш чоғида ундан фойдаланилаётганлигини ҳисобга олиб, 1991 йил 1 январдан кучга киритиш тўғрисида ҳам келишиб олдилар.

Бундай шароитда, деб давом этди вазир, иттифоқ ҳамда жумҳуриятлар ССЖИ давлат бюджети ва иттифоқдош жумҳуриятлар бюджетидаги камомаднинг мақбул даражада бўлишини таъминлаш учун махсус барқарорлаштириш фонди тузиш ва савдо-сотиқ солиғини жорий этиш зарурлиги ҳақида аҳдлашиб олдилар. Мамлакат умумий давлат бюджетидаги камомад 50—55 миллиард сўм доирасида, яъни бу йилги даражадан камроқ қилиб белгиланиши мумкин.

Вазир шу масала ҳақида ахборот бериш билан бирга бундай битимни тайёрлаш чоғида битта энг муҳим масала — даромадларни иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасида тақсимлаш масаласида аҳдномага эришишга муваффақ бўлинмаганлигини маълум қилди. Ҳали шу ҳақда бормоқдаки, кўп вақтдан буён нарх сиёсати ўтказиб келинаётганлиги туфайли даромадларнинг асосий қисми учта иттифоқдош жумҳурият: Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия ҳудудида амалга оширилади. Барча даромаднинг 90 фоизи шу ерда рўёбга чиқади. Шу сабабли ҳозир аввало Россия Федерацияси билан қонун жиҳатидан аҳдномага эришилмади, Россия Федерацияси ўз қонунига мувофиқ РСФСЖ ҳудудида барпо этилган ҳамма нарса РСФСЖ мулки деб ҳисобланмоқда. Шу сабабли ана шу ресурсларнинг ҳаммасидан Россия Федерацияси ўз билганича фойдаланмоқчи бўлаяпти.

Шундай қилиб, иттифоқ режаларини, иқтисодиётимизнинг, умуман мамлакатимизнинг мияси, юраги ишлаб туриши ва унинг келажаги учун биз режалар ва харажатлар деб айтаётган нарсаларни молиявий ресурслар билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмай қолмоқда. Ҳатто йил бошида етарли мутлақ миқдор кўзда тутилган тақдирда ҳам нарх-наво ҳўжалиги бекарор бўлиб турган шароитда иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар, овқатланиш учун, дори-дармонлар учун ҳақни ҳамда устун режалар қаторига киритилиб, иттифоқ даражасига топширилган режаларнинг харажатларини мунтазам тўлай олмаймиз. Биз ҳеч бўлмаса Иттифоқ шартномаси тузилгунга қадар даромадларни шакллантиришнинг бутун жаҳонда қабул қилинганидек, амалдаги схемасини сақлаб туришни таклиф этдик. Афсуски, бир фикрга кела олмадик.

Бундай аҳдноманинг йўқлиги, деб таъкидлади вазир, амалда шуни билдирадики, қолган барча иттифоқдош жумҳуриятлар ҳам эртага Россия Федерацияси қабул қилган қонунларни қабул қилишлари лозим. Яқин вақт ичида биз нархларнинг кескин жангига дуч келишимиз мумкин, деб хулоса чиқарди вазир, жумҳуриятлар ана шундай жанг бошлашга мажбур бўладилар. Хом ашё ва бутловчи буюмлар нархининг ана шу жанги шунга олиб келадики, биз муқаррар равишда чакана нархлар оширилишига дуч келамиз.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, деди пировардида ССЖИ молия вазири, барча бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар билан келишиб биз қабул қилган амалий чора тадбирларни ҳеч бўлмаса Иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар сақлаб туриш асосида Россия Федерацияси ва Болтиқбўйи жумҳуриятлари билан музокараларни давом эттиришни истаймиз. Шу жиҳатдан съезддан масаланинг ана шу тарзда қўйилишини қўллаб-қувватлашни сўраймиз.

Сўнгра **М. С. Горбачев** сўзга чиқади. Конкретлик жиҳатидан мен ўртоқ Павлов айтган гапларни унча тўлдира олмайман, лекин позицияларимизни съездда келишиб олиш учун айрим баҳоларни айтиб ўтишга уриниб кўраман, деб таъкидлади у.

Кеча айтганимдек, съезд ишини тугатгунга қадар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга доир битимни имзолашга умид боғлаган эдик. Воқеалар ҳам худди шундай ривожланаётган эди, ўртоқ Павлов ҳам муаммоларнинг асосий қисми жиҳатидан ҳамжиҳатликка эришилганлигини маълум қилди . Қандайдир қисмлари қолган бўлса, ҳар қандай ҳужжатни тузиш чоғида ва айниқса шу қадар кенг миқёсли ҳужжатни тузиш чоғида ҳамиша бўлгани каби жумлаларни узил-кесил келишиб олишгина қолган эди.

Ўртоқ Павлов маълум қилган масалага келганда эса, бу масала жумҳурият раҳбарларининг учрашувида юзага келган эди. Қандай ёндашувни танлаб олиш керак, ахир гап сира кечиқмай ҳаракат қилиш (биз эса кўп вақтни ўтказиб юбордик) лозим бўлган мураккаб иқтисодий вазиятда 1991 йил учун вақтинчалик битим тузиш тўғрисида бормоқда.

Ўша вақтдаёқ икки йўл пайдо бўлди. Ё кўпчилик жумҳуриятлар қабул қилаётган ёндашувга қўшилиб, уни вақтинчалик битимга асос қилиб олиш, бунинг устига барча позицияларни пухта ишлаб чиқиш (биз худди шу йўналишда иш олиб бориш керак, деган фикрга келдик) ёки 1991 йил режаси ва бюджетини тузиш билан боғлиқ вазиятни муҳокама қилиш чоғида Россия Федерацияси рақобарлари амал қилган бошқа ёндашув қабул қилинадиган бўлса, у ҳолда учрашувда жумҳуриятларнинг айрим раҳбарлари айтганларидек, улар ўнлаб йиллар давомида таркиб топган маҳсулотни реализация қилишдан тушган даромадларни тақсимлаш воситасини ўзгартиришга мажбур бўладилар. Хом ашё етиштирувчи жумҳуриятлар кўп нарсадан маҳрум бўлади, чунки асосий даромад пировард маҳсулотда рўёбга чиқарилиб, бу даромад шу вақтга қадар амал қилиб келган восталаар орқали қайта тақсимланарди, шу жумладан, ўша хом ашё-тармоқларига ёрдам бериш учун тақсимланарди. Шундай қилиб вазият гўё тенглаштирилар эди, ҳолбуки, бундай вазият ҳеч қачон бутунлай тенглашмаслиги равшан.

Башарти, Россия Федерациясидаги ўртоқлар танлаган ёндашув қабул қилинадиган бўлса, у ҳолда бир қанча раҳбарлар айтганларидек, улар нарх сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўладилар, акс ҳолда улар ўз жумҳуриятларининг харажатларини қоплай олмайдилар. Булар бир жумҳуриятда пахтанинг нархи бўлса, иккинчисида олтининг нархи, учинчисида нефтнинг, газ, шакар, буғдойнинг нархи — ҳамма нарсанинг нархидир.

Агар бу йўл қабул қилинадиган бўлса, шу вақтгача қилинган ишларнинг ҳаммаси (барча қийинчиликларга қарамай, ҳозиргача хўжалик шартномаларининг сал кам 80 фоизи бир хил нарх асасида тузилган) портлаб кетади. Аслида бу, ўртоқлар, ҳар ким «қўлингдан келса ўзингни қутқар» деган қонда асосида яшай бошлайди. Бу эса иқтисодиётнигина эмас, балки бутун иттифоқни барбод қилишдир.

Комиссияда ишлаган ўртоқлардан кеча маълумот олдим, дарҳол И. С. Силаев билан учрашишни топширдим. Бундай учрашув бўлиб ўтди, лекин позициялар ўзгармай қоларди. Шу куни РСФСЖ Олий Кенгаши мажлисида жумҳурият бюджет системасининг қоидалари муҳокама қилинди, бугун эса қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинди. Позицияларни келишиб олиш ва иттифоқ доирасида иқтисодий битим тайёрлаш шароитида шундай қилинди.

Иттифоқ режаларини пул билан таъминлашга Россия бюджетидан 23,4 миллиард сўм ажратилади — бу жорий йилдагидан 119 миллиард сўм кам. Бунинг Иттифоқ бюджетига таъсири қайдай? Айрим рақамларни келтириб ўтиришга рухсат этгайсиз. Иттифоқ бюджетида халқ хўжалигини пул билан таъминлашга 51 миллиард сўм кетади. Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш нима ўзи? Кўмир нархидаги тафовутни қоплашга 15,6 миллиард сўм, шу жумладан Донецк ҳавзасига — 6 миллиард сўм, Кузнецк ҳавзасига деярли 3 миллиард сўм, Печора ҳавзасига — 800 миллион сўм, Қараганда ҳавзасига — 1,3 миллиард сўм сарфланади. Бу базавий тармоқ бўлиб, металлургия ҳам, бутун мамлакат ҳам шу тармоққа боғлиқ. У қийин шароитда ишлайди ва мадад беришни талаб қилади. Иттифоқ бюджетининг биринчи моддаси ана шундай, Сўнгра геология-қидирув ишлари; бу ишлар ҳаммага зарур, чунки геология-қидирув ишлари ресурсларни кўпайтиради, иқтисодиёт шу ресурслар базасида ривожланади, бу соҳага сал кам 8 миллиард сўм сарфланади. Ҳар қандай жамиятни олға томон ҳаракат қилдирадиган ва бутун жаҳон талашиб-тортишаётган илм-фанни ривожлантириш учун харажатлар 14,1 миллиард сўмни ташкил этади. Иттифоқ зиммасига тушадиган ижтимоий-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга 18,4 миллиард сўм, халқ таълимига 6,6 миллиард сўм сарфланади. Бу — Москва давлат дорилфунуни, Москва давлат техника билим юрти, Москва авиасозлик илмгоҳи, Москва энергетика илмгоҳи ҳамда бутун мамлакат учун кадрлар тайёрлаб берадиган бошқа бир қанча йирик марказлардир. Маданиятга дотация нима? Бу— Большой театр, Малий театр, МХАТ, филармония фаолияти, Ленин номли кутубхона ва шу кабилардир. Соғлиқни сақлаш иттифоқ бюджетидан пул билан таъминланади, масалан, Бакулева номли юрак-қон-томир жарроҳлиги илмгоҳига 16 миллион сўм сарфланади, мия жарроҳлиги, педиатрия, онкология илмгоҳлари ва бошқалар. Яъни булар бутун мамлакат учун ишлаётган энг йирик «иттифоқ», фанимиздир.

Ниҳоят, ҳарбий харажатлар. Биз уларни қисқартираяпмиз, маълум қилганимиздек, салкам 7 миллиард сўм камайтирир қўйишни мўлжаллаб қўйдик. Ҳозир бу муаммо қандай ҳолатда эканлигини, у ўткир муҳокама қилинаётганлигини биласизлар; шунга қарамай, биз қисқартирдик ва тўғри иш қилдик. Ҳарбий харажатлар нималардан иборат? 8,3 миллиард сўм — ҳарбий хизматчиларга тўланадиган пул, 4 миллиард сўм — ҳарбий хизматчиларга пенсия, 3,3 миллиард сўм ҳарбий хизматчиларни ижтимоий таъминлаш режасини амалга оширишга, 3,5 миллиард сўм уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий-маиший иншоотлар қуришга сарфланади ва ҳоказо. Табиийки, қурол-яроғга, мудофаага таллуқли ҳамма нарсага, конверсияга ҳам пул сарфланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига 11 миллиард сўм кетади. Энди тармоқ режалари ҳақида. Булар нималардан иборат? 10 миллиард сўмдан кўпроғи — Чернобилга, салкам 1 миллиард сўм — Оролга, қрим татарларни кўчиришга ва бошқа ишларга сарфланади. Аслида иттифоқ бюджети ана шулардан иборат. Хўш, биз армияни тарқатиб фундаментал фанимизни беркитиб қўямизми. Ахир, бу жиддий гап эмас.

Мамлакатдаги аҳволни муҳокама қилаётганимизда жумҳуриятларнинг ССЖИ Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган, уларнинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қонунлари Иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар амал қилади, деб ёзиб қўйдик. Шу тариқа қонунлар, жумладан, солиқлар тўғрисидаги қонунлар негизида 1991 йилги режа ва бюджетни тузиш ишлари олиб борилмоқда. Съезднинг шу қарорларига қарамай, россиялик ўртоқлар ҳозирча бу нарса уларнинг фикрини ўзгартиришни талаб қилаётганини тушунгилари келмаяпти, аммо мен масалани фожиали қилиб қўймоқчи эмасман — мана энди Россия Олий Кенгаши йиғилиб, ўзи қабул этган ҳамма қонунларни бекор қилиши керак, демоқчи эмасман. Йўқ, гап 1991 йил учун мувақкат битим тузиш ҳақида бораяпти, шу сабабли Конституцияга тўғри келмайдиган чора-тадбирларнинг амал қилишини шунчаки тўхтатиб қўйиш, шу тариқа келишилган иқтисодий битимга эришиш иложини топиш, ўзимиз бошлаган йўлни барбод қилмаслик керак. Бундан бошқача ёндашув — қонунлар урушидан ҳам ошиб тушган бўлур эди. Бу нарса иқтисодиётнигина эмас, мамлакатни ҳам барбод қилган бўлур эди. Шу сабабли, кимда-ким масъулиятни ўз зиммасига олиб, шундай ёндашувни амалга оширмоқчи бўлса, очиғини айтишим керак: бу нарса одамларнинг ҳеч нарсадан хабарлари йўқлигини ёки съезд томонидан ҳам, халқ томонидан ҳам қатъиян рад этилиши лозим бўлган режани ўйлаб қўйганлигини кўрсатади.

Дарвоқе, бир гуруҳ депутатлар шундай савол беришаяпти: «РСФСЖ Олий Кенгаши корхоналар ва соҳибкорлик фаолияти тўғрисидаги РСФСЖ қонунини қабул этиб, ССЖИда корхоналар тўғрисидаги ССЖИ қонунининг амал қилишини бекор этганини қандай тушунмоқ керак? Яна қонунлар уруши, бир хил қонунларни иккинчи хилларига қарамақарши қўйиш бошланаяптими, мамлакатни инқироздан қутултириш юзасидан съезд қабул этган қарорларга қарамай, РСФСЖ раҳбарияти жумҳуриятлар билан иттифоқнинг ўзаро муносабатларини боши берк кўчага киритадиган вазиятни тобора кучайтираяптими? Биз сайловчиларимизга нима деймиз? Президент сифатида сиз қандай йўл тутайпсиз? Шу муносабат билан сиз мана шундай қаршима-қаршиликни тўхтатиш учун ушбу съезддаёқ муҳим қарор қабул этиш зарур деб ҳисобламайсизми?» Хатнинг остига кўп имзо қўйилган.

Назаримда биз ўзимиз бошлаган йўлдан бораверишимиз, чунончи, Иттифоқ шартномасига эришишни кўзлаб, ваколатларни қайта тақсимлашни мўлжаллаб, 1991 йил учун мувақкат битим тузиш сари бораверишимиз керак, шундагина ҳаммаси жой-жойига тушади. Башарти, биз ўртоқлар, жадаллаштирмоқчи бўлган жараёнга қўшилиб кетадиган бўлсак, очиғини айтмоқ керак, бу— қалтис машмаша бўлур эди, бу нарса идора қилувчи барча тузилмаларни масъулиятли пайтда қатъият билан самарали ҳаракат қила олмайдиган бир нарса сифатида супуриб ташлаган бўлур эди. Биз бунга йўл қўя олмаймиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан мен съезд муҳокамасига қисқача қарор лойиҳасини ҳавола этмоқчиман.

Биринчиси. 1991 йил учун мувақкат иқтисодий битимни тайёрлаш соҳасидаги иш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборот инобатга олинсин ва бу ишни тугаллаш юзасидан киритилган таклифлар маъқуллансин. Бу таклифлар Павлов айтган ва мен айтган фикрлардан иборат. Биз ўзимиз келишиб олгандек ва мамлакатдаги аҳвол ҳақида қабул этилган қарорга ўзимиз ёзиб қўйгандек иш тутишимиз керак, деб ўйлаймиз. «Федерация кенгашига мазкур таклифларнинг амалга оширилишини таъминлаш тавсия қилинсин».

Иккинчиси. «Президентга қисқа муддат ичида умумиттифоқ ва жумҳурият бюджетидан ташқари барқарорлаштириш жамғармаларини вужудга келтириш юзасидан фармон чиқариш тавсия этилсин, шу фондларнинг ҳосил бўлиш манбалари ва улардан келишиб фойдаланиш тартиби аниқ белгилаб қўйилсин». Бу ўринда бирмунча ихтилофлар бор, аммо уларни ҳуқуқий жиҳатдан бартараф этмоқ керак.

Учинчиси. «ССЖИ Олий Кенгаши 1991 йилги режа ва бюджетни кўриб чиқиб, тасдиқлашни 1991 йил 10 январгача ниҳоясига етказсин».

Ниҳоят, тўртинчиси. «Молия идоралари ва солиқ инспекциялари ўз фаолиятида иттифоқ қонунларига ва қабул этилган норматив ҳужжатларга қатъий амал қилиб, ягона молиявий сиёсат ўтказилишини таъминласинлар». Мен съездан мана шундай топшириқни қарор тариқасида қабул этишни сўрайман.

Съезд Президент таклиф этган қарор лойиҳаси юзасидан номма-ном овоз беришга қарор қилди.

Тартиб-қонда юзасидан сўз олган қасаба уюшмалари депутати В. И. Романов ҳар қандай қарор қабул этилишидан съездни огоҳлантириб, бу нарса Россия парламенти ва унинг раҳбарлари обрўсини туширади, деган фикрни айтди.

Унга эътироз билдирган **раислик қилувчи** бу ўринда гап съезднинг Президентга ва Федерация Кенгашига мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бунинг учун жумҳуриятлар билан зарур музокаралар ўтказиш тўғрисидаги топшириғини бажариш тўғрисида бораётганини таъкидлади. Қарор лойиҳасида РСФСЖ халқ депутатларини бирон-бир тарзда қоралаш ҳақида ҳеч қандай гап бўлгани йўқ, деди у.

Яна **М. С. Горбачев** сўз сўради, масаланинг моҳиятига депутатларнинг, бутун съезднинг диққат-эътиборини яна бир бор қаратмоқчиман, деди у, мамлакатнинг ҳозирги аҳволи, бундан қутулиш — биз учун бош масала, 1991 йил учун мувақкат иқтисодий битим тузиш тўғрисидаги таклиф шу фикр асосида съезддан аввалоқ пайдо бўлган ва маърузада ифодалаб берилган эди, буни барча депутатлар қўллаб-қувватлашганди. Вазият нақадар кескин бўлмасин, Россия Федерацияси Олий Кенгашини, унинг раҳбариятини кимдир четлаштираяпти, деган таассуротга асло йўл қўймаслик керак. Бу — бўлмаган гап, мен таклиф қилган лойиҳадан бундай маъно чиқмайди. Гап фақат ўз йўлимизни яна бир карра тасдиқлаш ҳақидагина бораяпти. Бузғунчилик йўлига ўтмаслик тўғрисида бораяпти. Агар съезд ўз фикрини билдирмаса, ҳамма ҳайрон бўлиб қолади.

Қисқа мунозаралардан кейин депутатлар танаффус вақтида зарур материалларнинг ҳаммаси кўпайтирилиб тарқатиладти, шундан кейин иккинчи хилларига қарамақарши қўйиш бошланаяптими, мамлакатни инқироздан қутултириш юзасидан съезд қабул этган қарорларга қарамай, РСФСЖ раҳбарияти жумҳуриятлар билан иттифоқда қабул этилган қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар. Бу ҳужжат мамлакат Олий Кенгашининг комиссиялари ва комитетларида синчиклаб ўрганилди, ялпи мажлисда атрофлича муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасини пухталаштириш юзасидан съезд тузган таҳрир комиссияси парламент аъзолари айтган қўшимча мулоҳаза ва таклифларни синчиклаб ўрганиб чиқди ва ўз мулоҳазаларини тайёрлади. Комиссия раиси **В. И. Казаков** шу мулоҳазаларни съезд қатнашчиларига маълум қилди, депутатлардан **А. И. Казанник, А. А. Шчелканов, А. А. Плотникс, А. М. Оболенскийларнинг** саволларига жавоб қайтарди.

Умумхалқ овоз бериши (ССЖИ референдуми) тўғрисидаги қонун муҳокама қилинмай тўлалигича қабул этилди. Депутатлар уни қабул этилган пайтдан бошлаб кўчга киритиш тўғрисидаги қарорни ҳам маъқуллдилар.

Шундан кейин **М. С. Горбачев**га сўз берилди. У Н. И. Рижковнинг сиҳатсаломатлиги ҳақида съездга ахборот берди. Унинг аҳволи — жиддий, аммо ёмонлашгани йўқ, деди М. С. Горбачев. Энг билимдон мутахассислар муолажага жалб этилди. Унга съезддан салом топширилди, у жуда миннатдор бўлди.

Раислик қилувчи съезд котибиятининг ахборотини эълон қилди. Ахборотда бундай дейилади: бугун Борис Николаевич Ельцин ноль соат 40 минутда Якутскка учиб кетди. У 30 декабрда қайтиб келиши кутилмоқда. Съезд раёсати билан ёки съезднинг котибияти билан бу ҳақда олдиндан ҳеч қандай келишув бўлмаган эди.

Съездда ССЖИ вице-президенти сайлови юзасидан ўтказилган яширин овоз бериш натижаларини саноқ комиссиясининг раиси депутат **Ю. А. Осипьян** маълум қилганида жиддий вазият вужудга келди.

Овоз бериш учун 1892 бюллетень тарқатилган эди, деди у. Қутилар очилганида 1785 та бюллетень чиқди, шундан 113 таси ҳақиқий эмас деб топилди. Г. И. Янаев номзодини ёқлаб 1089 овоз, қарши 583 овоз берилди. Шундан қилиб ССЖИ вице-президенти лавозимига номзод овозларнинг зарур миқдорини ололмади.

Ўткир мунозарадан кейин съезд кўпчилик овоз билан саноқ комиссиясининг протоколини тасдиқлади, мунозара давомида вужудга келган вазиятдан қутулиш йўли хусусида турли, баъзан бир-бирига мутлақо зид фикрлар айтилди.

Яна ССЖИ Президенти сўз олди. У овоз бериш якунлари юзасидан съезд қабул этган қарорга қўшилди. Ҳар қандай тур ва навдаги уйдирмаларга баҳона чиқмаслиги учун айни шундай қилиш керак, деб ўйлайман, деди **М. С. Горбачев.** Вице-президент тўғрисидаги масалани шу съездда ҳал қилиш керак, чунки яқин вақт ичида кадрларга оид кўп масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Биз сўратни жадаллаштиришимиз ва янги командани тузишда ўралашиб қолмаслигимиз учун ҳаракат қилиш керак. Ҳа, очиғини айтганда, бу — бизнинг охирги имкониятимиз, агар раҳбарият бурилишни таъминлай олмаса, уни сиёсий майдондан олиб ташламоқ керак. Ўйлайманки, съезд бошидаёқ уни олиб ташламоқчи бўлган, аммо бунинг уддасидан чиқа олмаган бошқа кучлар мазкур масалани ҳал қиладилар. Аммо биз ўзимизнинг парокандалигимиз, келгуси босқичлардаги қатъиятсизлигимиз билан уларга совға инъом этмаслигимиз керак.

Атиги 583 киши ёки барча депутатларнинг 25 фоизи ўртоқ Янаевга қарши овоз берган экан, бу нарса менга муҳтарам съезддан менинг таклифимга қўшилишни яна бир бор илтимос қилиш имконини беради. Мен вице-президент лавозимига сайлаш учун Геннадий Иванович Янаев номзодини яна ҳавола этаман. Ўзининг шахсий, сиёсий, ишчанлик фазилатлари жиҳатидан, ўзининг етуклиги жиҳатидан бу номзод мос келади. Жамиятда кураш бораётгани яққол кўринниб турибди. Шу боисдан мен мана шу жуда қийин бурилиш палласида ёнимда ўзим тўла-тўкис ишонадиган одам бўлишини хоҳлайман.

Шундан кейин авж олиб кетган қизғин мунозара давомида нотиқларнинг аксарияти Президентнинг таклифини қўллаб-қувватлади. Депутатлардан **Д. Н. Кутультинов, Д. С. Миронова, С. Ф. Ахромеев, А. М. Яковлев, В. П. Золотухин, Г. И. Еремей, Л. Я. Супрунов, С. М. Ҳожиев, В. Я. Азаров, Г. Н. Подберезский Н. А. Назарбоев** ва бошқалар съездни Г. И. Янаев учун овоз беришга чақирдилар. Депутатлардан **Н. А. Куценко, Ю. Д. Черниченко, Б. В. Крижков** бунга зид фикрни айтдилар.

Мунозара тугагандан кейин тартиб-қонда тусидаги бир қанча таклифлар киритилди, жумладан, иш тартибига ўзгариш киритилсин, сайлов бюллетенларининг нусхаси ўзгартирилсин, деган таклифлар айтилди, вице-президентнинг ваколатлари тўғрисидаги масала кўтарилди. Шу муносабат билан **А. И. Лукьянов** Конституциянинг айрим қоидалари юзасидан изоҳлар берди.

Раислик қилувчининг таклифига биноан Г. И. Янаевнинг номзодини яширин овоз бериш учун бюллетенга киритиб, бу ишни аввалги тарқибдаги саноқ комиссиясига топширишга қарор қилинди.

Кечки мажлис ҳисоб комиссиясининг ССЖИ Олий Кенгаши Иттифоқ кенгаши ва Миллатлар кенгаши тарқибини янгилаш муносабати билан эрталаб ўтказилган яширин овоз бериш натижалари тўғрисидаги маърузасидан бошланди. Комиссия раиси **Ю. А. Осипьян** мажлис баённи ўқиб эшиттирди. Унда депутатлар А. А. Захаров, А. А. Золотков, А. В. Левашев, И. В. Прудников, Д. А. Стародубцев, В. И. Трофимов, А. С. Цигельников, Ю. М. Чемоданов Иттифоқ Кенгашига, А. М. Оболенский, В. К. Черняк, Р. А. Сотиболдиев, Г. И. Шипитько, Г. В. Старовойтова Миллатлар Кенгашига сайланиш учун зарур миқдорда овоз ололмаганлиги қайд этилган.

Съезд мажлис баённи тасдиқлаб, парламентнинг янгиланган таркиби сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Миллатлар палатасида тўртта бўш жой вақтинча тўлдирилмай қолди: рўйхатга олинган даъвогарлар сайланмаганлиги натижасида Украина ва Арманистондан, депутатлар вакилларининг номзодларни кўрсатишдан бош тортганлиги натижасида Литва ва Эстониядан сайланиши керак бўлган депутатлар ўрин бўшаб қолди. Раислик қилувчи жумҳуриятларда тегишли норма сақланиб қолишини айтди. А. И. Лукьянов ССЖИ Олий Кенгаши таркибига янги сайланган халқ депутатларини самимий табриклади, келгусидаги машаққатли ишларида уларга муваффақиятлар тилади. У шунингдек парламент бир оз танаффусдан кейин келгуси йил режаси ва бюджетини муҳокама этиш ва қабул қилиш учун 8 январда ўз ишини давом эттиришини маълум қилди.

Депутатлар ССЖИ халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги ССЖИ қонуни лойиҳасига оид масалани кўриб чиқишга киришдилар.

ССЖИ Олий Кенгаши Президенти сўз олди. У овоз бериш якунлари юзасидан съезд қабул этган қарорга қўшилди. Ҳар қандай тур ва навдаги уйдирмаларга баҳона чиқмаслиги учун айни шундай қилиш керак, деб ўйлайман, деди **М. С. Горбачев.** Вице-президент тўғрисидаги масалани шу съездда ҳал қилиш керак, чунки яқин вақт ичида кадрларга оид кўп масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Биз сўратни жадаллаштиришимиз ва янги командани тузишда ўралашиб қолмаслигимиз учун ҳаракат қилиш керак. Ҳа, очиғини айтганда, бу — бизнинг охирги имкониятимиз, агар раҳбарият бурилишни таъминлай олмаса, уни сиёсий майдондан олиб ташламоқ керак. Ўйлайманки, съезд бошидаёқ уни олиб ташламоқчи бўлган, аммо бунинг уддасидан чиқа олмаган бошқа кучлар мазкур масалани ҳал қиладилар. Аммо биз ўзимизнинг парокандалигимиз, келгуси босқичлардаги қатъиятсизлигимиз билан уларга совға инъом этмаслигимиз керак.

Атиги 583 киши ёки барча депутатларнинг 25 фоизи ўртоқ Янаевга қарши овоз берган экан, бу нарса менга муҳтарам съезддан менинг таклифимга қўшилишни яна бир бор илтимос қилиш имконини беради. Мен вице-президент лавозимига сайлаш учун Геннадий Иванович Янаев номзодини яна ҳавола этаман. Ўзининг шахсий, сиёсий, ишчанлик фазилатлари жиҳатидан, ўзининг етуклиги жиҳатидан бу номзод мос келади. Жамиятда кураш бораётгани яққол кўринниб турибди. Шу боисдан мен мана шу жуда қийин бурилиш палласида ёнимда ўзим тўла-тўкис ишонадиган одам бўлишини хоҳлайман.

ССЖИ Олий Кенгаши тўртинчи сессияда ССЖИ Президентининг тавсиясига биноан В. Ф. Яковлевни ССЖИ Бош давлат ҳаками этиб тайинлади. Энди съезд уни шу лавозимга тасдиқлаши керак.

Раислик қилувчи ССЖИ Конституциясига ўзгартишларда ССЖИ давлат ҳакамлигини ССЖИ Олий ҳакамлик судига айлантириш кўзда тутилганини эслатиб ўтди. Шу муносабат билан В. Ф. Яковлевни ССЖИ Олий ҳакамлик судининг раиси этиб сайлаш ва айни пайтда унга ССЖИ Олий ҳакамлик суди тузилгунга қадар ССЖИ Бош давлат ҳаками ваколатини юклаш таклиф этилади.

Съезд муҳокама қилмай мазкур таклифни ва тегишли қарорни тасдиқлайди.

Раислик қилувчи халқ депутатлари муҳокамасига ССЖИ молия вазирининг ахбороти ва ССЖИ Президентининг нутқига доир қарор лойиҳаси тақдим этилганлигини съездга маълум қилди.

Ҳужжатни муҳокама қилишни **А. К. Орлов** бошлаб берди.

Мамлакатнинг молия сиёсатида «қонунлар уруши»га чек қўйиш зарур, деди у. Жумҳуриятларнинг сиёсий мустақиллигини иқтисодий мустақиллик билан чалкаштириб бўлмайди. Нотиқнинг фикрича, иттифоқни барбод этиш Россиядан бошланди. М. А. **Бочаров**нинг фикрига кўра, «мустақиллик намойиши» жумладан Россия мустақил деб эълон қилинганлиги мажбурий йўлдир. Жумҳуриятлар иттифоқ умумий маблағларни нимага сарфламоқчи эканлигини аниқ билишлари керак. Бундай вазиятда, деб давом этди у, якдиллик зарур. Парламентдаги «иттифоқ» гуруҳининг депутатлари вужудга келган вазиятни қалтис деб баҳоламоқдалар, деди **А. Г. Чехоев**. Иқтисодий битим имзоланиши зарур, деди у.

Биз иқтисоднётдаги шундай вазиятни олдиндан кўра билишимиз лозим эди, деб ҳисоблайди **Б. В. Мирошин.** У Россия парламенти тутган йўлни қўллаб-қувватлади. **В. В. Бушуев** унинг фикрига қўшилмади. Б. Н. Ельцин мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришга тўсқинлик қилувчи бузғунчи кучларга бошчилик қилмоқда, — деди депутат **Б. М. Эргашев.** РСФСЖ Олий Кенгашининг раиси ўз ҳаракатлари давлатимизнинг барбод этишга қаратилганига тушунади, деб давом этди у. РСФСЖ Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари **Ю. В. Скоков** муҳокама этилаётган масала юзасидан изоҳлар берди. Нотиқ вазиятни кескинлаштирмай, муаммони 10 январгача биргаликда кўриб чиқишни таклиф этди. Шундан кейин сўзга чиққан нотиқ **Н. А. Назарбоев** солиқ солишнинг мавжуд системасида умумиттифоқ фондига кўп миқдорда табиий ресурслар етказиб бераётган Қозоғистон ҳам ўз бюджетида каттагина камомадга эга бўлишини қўлидаги далиллар билан исботлаб берди. Бироқ, деб давом этди нотиқ, ким кимга қанча қарз эканини ҳисоблай бошласак, ҳамма нарса барбод бўлади!

Съезд мунозарани тўхтатиш учун овоз беришидан олдин яна бир қанча қисқача нутқлар ва луқма ташлашлар бўлди. Мажлисни олиб борувчи эса **М. С. Горбачев**га сўз берди.

Биз съезд ишининг мамлакатдаги қалтис вазият билан боғлиқ қалтис маррасига етиб келганлигимиздан чўчимаслик керак, деди Президент. Съездга тақдим этилган ахборот зарур муносабат билдирилишини таъминлаганидан, биз тушиб қолган вазиятни англашга, ҳаракат усулларини ишлаб чиқиб, тўғри белгилашга ёрдам бераётганлигидан мамнунман.

Биз мамлакатдаги фавқулодда вазиятни ҳисобга олиб, 1991 йилги иқтисодий битимни тузишга оид ишларни бундан буён ҳам давом эттиришимиз зарур. Ҳар бир киши ўз ёндашувлари ва тасаввурлари асосида вазиятни ўз кучи билан ҳамда ўз ёндашувлари ва воситалари билан қутқариб қолиш тўғрисида ўйлай бошлаши бошқача ёндашувдир. Агар шундай йўлни танлайдиган бўлсак, унда иқтисодиёт барбод бўлиб, ижтимоий ва сиёсий оқибатларга сабаб бўлади, иттифоқ ҳам барбод бўлади.

Ечимни топиш керак. Ечим шундан иборат бўлиши лозимки, биз муайян қоидалар асосида иқтисодий битимни тузишга яқинлашишимиз керак. Бундай қоидалар қабул қилинган қарорларда, жумладан Олий Кенгаш қарорларида бор. Улар солиқларга ҳам, шунингдек режа ва бюджет асосланиши керак бўлган бошқа нарсаларга ҳам таллуқлидир.

Ана шу қоидаларга тўсқинлик қилиш ёки уларни олиб ташлашга уринишлар бўлди. Расмий идоралларнинг қарорлари билан ҳам шундай қилинди. Ҳозир гап фақат жумҳурият тўғрисида бораётгани йўқ. Биз ларни ўзимиз тушиб қолган ва агар ана шу ёндашувларни давом эттирсак, ундан чиқиб бўлмайдиган бошбошдоқликка қайтармоқчилар.

Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Масалани ҳал этиш керак. Сизлар ҳатто битта банд билан чекланишингиз — Президент ахборотини маълумот учун қабул қилишингиз мумкин. Мен эса сизларга бошқа нарса тўғрисида гапирмоқчиман. Сизлар Федерация Кенгашида жараёнлар қандай кечаётганини, ким қандай мавқеда экан

Қишлоқ Кенгаши ва қайта қуриш

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

Халқ депутатлари Калинин қишлоқ Кенгаши ибратли тадбирларни амалга ошираяпти. Унинг ҳудудида Тошкент районидаги «Ленин йўли» ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари бор. Депутатлар зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Ким билан фикрлашманг, қишлоқ шўроси раиси Ҳакимжон Эргашев ҳақида илиқ гапларни айтади. Таъкидлашича, 25 йилдан буёғи қишлоқ кишилари билан ҳамкор, ҳамфикр экан. Ана шу муддат ичида турли вазифаларда ишлаб, одамлар мушкулини осон қилиш, тарғибот ишларини жонлантириш, маҳсулот етиштириши кўпайтириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Ишбилармонлиги, ташаббускорлиги туфайли қишлоқ Кенгаши раиси вазифасигача кўтарилди.

Икки хўжаликда 15,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Улар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни кўриб, ҳавас қиласан киши. Вилоят Кенгашига икки, ноҳия Кенгашига 10, қишлоқ Кенгашига эса 35 нафар депутат сайланган. Охунбобоев номли колхоз сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи Абдужалил Фозилов уларнинг бири. Уста деҳқоннинг яхши фазилати — эришилган натижалар билан кифояланмайди, камчиликларга қарши муросасиз курашади. Ҳамқишлоқлари уни вилоят Кенгашининг депутати этиб сайлаганларидан кейин ўзгача куч, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Абдужалил ака узумдан мўл ҳосил етиштириш, ерни эъзозлашда барчага намуна. Қачон қараманг, ноз-неъмат бунёдкорлари орасида жон қойитиб юрганини кўрасиз. Бироқ тадбир йўқки, унинг иштирокисиз ўтган бўлсин. А. Фозилов узоқ йиллик фаолияти давомида икки бригадани қолоқлар сафидан олиб чиқди. Янги боғлар, экинзорлар яратиш ишига муносиб ҳисса қўшди. У етакчилик қилаётган бригада бу йил ҳам мусобақада пешқадамликни эгаллади. Ички имкониятлардан, маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланилганлиги туфайли режадаги 349 тонна ўрнига 410 тонна ширин-шакар узум армуғон этилди. Сабзавотчиликда ҳам илдам қадамлар қўйилди: йиллик режа 213 фоиз бажарилди.

Ҳозирги кунда илғорлар тажрибаси кенг тарғиб қилинмоқда. Абдужалил ака сайловчилари билан доимий мулоқотда. Колхозчилар ўзларининг қувончу ташвишлари билан ўртоқлашадилар. Халқ депутатининг жонбозлиги туфайли Калинин номли мактаб қурилиши жадал олиб борилаяпти. Бу ерда 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Ҳозирча таъминотда узилишлар бўлмаяпти.

— Бир вақтлар дабдабабозликка зўр бериб, ёшлар тарбияси билан етарли шуғулланилмади, — дейди Ҳакимжон Эргашев. — Абдужалил Фозилов каби тинибтинчимас кишилар ёрдамида камчиликларни бирин-кетин бартараф этаяпмиз. Мураббий яқинда бизни яна хурсанд қилди. Ўз ташаббуси билан Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 100 ўринли болалар боғчаси бунёд этишни режага киритди.

Қишлоқ Кенгаши депутати, «Ленин йўли» жамоа хўжалиги сут-товар фермасининг мудири Дадажон Раҳимовдан ҳам эл рози. Аввало фермада ишни йўлга қўя олди. Чорвадорларнинг унумли меҳнат қилиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилди. Озуқа базаси мустаҳкамланди, сигирлар зоти яхшиланди, мутахассислар фаолияти устидан назорат кучайди. Мусобақа ҳар қачонгидан қизғин тус олди. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилдилар. Шунинг натижасида маҳсулдорлик ошиб бораяпти. Ўтган ўн бир ой ичида давлатга 880 тонна ўрнига 969 тонна серқаймоқ сут топширилди. Ҳар сигирдан соғиб олинган маҳсулот 3.537 килограммни ташкил этди. Бўрдоқибоқарлар ҳам бўш келишмади. Молларга ширали озуқа, лавлаги доимий бериб борилади. Уларнинг тирик вазни 450—500 килограммга етказилганда гўштга топширилаяпти.

Фермада бўлганимизда қишлоқ Кенгаши депутати, сигирсоғар Саида Раҳмонбердиева билан суҳбатлашдик.

— Соғлом муҳит, кайфиятга кўп нарса боғлиқ, — дейди Саидахон. — Аввалари кўпчиликда иштиёқ сезилмасди. Говмишларни соғиб бўлгач, уйга шошардик. Моддий манфаатдорлик хизмат бурчига сидқидил ёндашишга ундади. Қарамоғимдаги 21 бош сигирни меҳр билан парваришлаяпман. Ҳар биридан 4 минг килограммдан ошириб сифатли маҳсулот олишга аҳд қилгандим. Сўзимнинг устидан чиқаяпман.

Қишлоқ Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармонларини муваффақиятли бажариш юзасидан ҳам ибратли тадбирларни амалга ошираяпти. Жумладан, шахсий хўжаликлар ривожлантирилаяпти. Охунбобоев номли колхозда истиқомат қилаётган меҳнатчиларга шу кунгача 150 тонна беда ва сомон, 30 тонна лавлаги, қурилиш материаллари сотилди. 500 га яқин оилага ер майдонлари ажратилди. Барча хонадонлар ичимлик сув билан тўла таъминланган. Қисқа вақт ичида қишлоқларнинг ҳаммасига газ кириб боради.

Маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлик кучайди. Янги анъаналарни жорий этиш, кечалар, суҳбатлар уюштириш, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ва паспортни маҳалланинг ўзида топшириш, ёшларни Совет Армияси сафига кузатиш фаолиятда алоҳида ўрин олган. Бу борада моҳир ташкилотчи Эркин Ғуломов раислик қилаётган Алишер Навоий номли маҳаллада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Эл-юрт ишининг жонкуяри Э. Ғуломов яқинда «Москвич» енгил автомашинаси билан мукофотланди.

Қишлоқ Кенгаши фаолияти янада самарали бўлиши мумкин эди. Бироқ маблағнинг йўқлиги ишнинг белига тепаяпти.

— Бутун ҳикимият Советлар қўлига ўтаётганлиги ҳаёт тақозоси, — дейди қишлоқ Шўроси раиси. —Аммо ҳозирча қайта қуриш барча ерда бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Баъзида бизни четлаб ўтаётганлар ҳам топилиб қолаяпти. Ҳудудимиздаги хўжаликлар, ташкилотлар, савдо шохобчалари йиллик даромадларининг бир фоизини ажратсалар, муаммоларни ҳал этиш учун имконият яратиларди. Шу таклифни нуфузли йиғилишларда ўртага ташладик. Кўпчилик раҳбар ва мутахассислар қўллаб-қувватлашса-да, амалий ишдан дарак йўқ.

Халқ вакиллари шу кунларда асосий эътиборни чорва қишловини намунали ўтказиш, иссиқхоналарда ҳар қачонгидан кўп помидор, бодринг, лимон ҳамда резавор етиштиришга қаратганлар. Янги йил дастурхонига сифатли ноз-неъмат етказиб беришга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилаяпти.

Б. МУРОДОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Шу кезларда чорвадорлар масъулиятли палла — қишловни бошдан кечиримоқдалар. Кейинги кунларда ёққан қалин қор уларни қаттиқ синовдан ўтказяпти. Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли давлат хўжалиги сут-товар фермаси ходимлари бунга пухта тайёргарлик кўришганди. Шу боисдан ҳар қандай қийинчилик мардонавор меҳнат билан бартараф этилмоқда. Айни пайтда ферма да 400 бош сигир тўйимли озуқа билан боқилаяпти.

СУРАТДА: илғор соғувчилар Роҳат Каримова ва Мукаррам Ўролова. Улар ҳозиргача ҳар говмишдан ўртача 3.000 килограммдан сут соғишди.

А. ТУРАЕВ суратга туширган.

ИЖАРА ҚАРОР ТОПДИ

Андижондаги 2511-автожамланма жамоаси ижара шароитида ишлаётган икки йил ичида икки миллион сўмдан иборат катта даромад олди. Бу автожамланма вилоят марказида ва шаҳарлараро маршрутларда йўловчиларга хизмат қилади. Бундай катта даромад олиш транспортчиларга унинг асосий қисмини ижтимоий-манфий масалаларни ҳал этиш учун сарфлаш имконини берди.

Бу ерда яна «ўн учинчи» маош нималигини ҳам билиб олишди. Ҳайдовчилар ва хизматчи ходимларнинг ойлик иш ҳақи уларнинг 1988 йилдаги, яъни жамоа ижарасига ўтилгунига қадар бўлган маошига нисбатан ўртача қирқ фоизгача ошди.

Катта даромад ишлаб чиқарувчиларга барча уруш ва меҳнат ветеранларини уй телефонларидан фойдаланганлик учун пул тўлашдан озод қилиш имконини берди. Бу — миллионлаб сўм даромад қиладиган жамоа учун арзимас пул, автожамланмадаги 120 нафар ветеран учун эса кутилмаган ажойиб совға.

Муҳтож бўлиб турган ходимларга якка тартибда уй қуриш учун узоқ муддатли қарзлар ажратилди. Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Автожамланма жамоаси Россия Федерацияси ва Қозоғистондаги ёғоч-тахта тайёрлаш ва қурилиш ташкилотлари билан тузилган шартнома нархлари асосида 50 минг куб метр ёғоч-тахта, шифер ва бошқа тақчил материаллар олди.

«Қишлоқ ҳақиқати» аҳоли хизматида

УМИДВОРЛИК

Қайта қуриш шарофати билан келажакка тийрак назар ташланаяпти. Буни жумҳурият Президентининг аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган фармонлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, якка тартибда уй-жой қуришни жадаллаштиришга катта эътибор берилаётганлиги барчани мамнун этаяпти. Серфарзанд ўзбек оилалари учун бошпана сув ва ҳаводек зарур. Маҳаллий раҳбарлар эса талабларимиз билан ҳисоблашишни исташмаяпти.

Ўтган йил охирида биз—70 хонадон аъзолари Бахмал район ижроия комитетига ер сўраб ариза бергандик. Аризаларимиз Оқтош қишлоқ Шўросига қайтариб юборилди. Хўжалик директори З. Аҳмедова мурожаат қилсак, унумдор ерлар қолиб, ташландиқ жойларни таклиф этаяпти. Яшаш шароитимиз оғир. Хонадонлар газлаштирилмаган. Сув камчил. Томорқамиздаги экинлар авжи саратонга бориб сувсизликдан қуриб қолади. Бу муаммолар қачон ҳал этилади?!

«Нурли қуёш» давлат хўжалигидаги Юмалоқбош қишлоғида яшовчи аҳоли номидан:
А. Пирназаров, Б. Мамарасулов, Т. Худойқулов, Х. Жабборов ва бошқалар.

«Қишлоқ ҳақиқати» таҳририятига йўлланган ушбу шикоят атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида аризачларнинг ўзлари ҳам иштирок этдилар. Президент фармонидан сўнг хўжаликда 116 гектар ер 559 хонадонга қўшимча томорқа сифатида тақсимлаб берилган. Бундан Юмалоқбош қишлоғида яшовчилар ҳам мустасно эмас. Уларга 29 гектар унумдор майдон ажратиб берилди. Ҳозирги кунда ҳар бир оила 20—25 сотих томорқа ерига эга.

Шикоятларнинг баъзи эътирозларига қўшилиб бўлмайди. Чунончи, улар 90 ўринли касалхона, тиббий шаҳарча барпо этиш режалаштирилган жойдан ер участкаси ажратиб беришни талаб этадилар. Табиийки, бунинг иложи йўқ. Уй-жой қуриш учун талабгорларга хўжаликнинг янги маъмурий биноси атрофидан ер участкаси ажратиб беришга қарор қилинди. Қишлоқда табиий газ йўқлиги, ичимли сув камчиллиги тўғри. Бу муаммоларни ҳал этиш учун амалий тадбирлар белгиланяпти. Яқин келажакда 18 чақирим масофадаги хонадонларни водопроводлаштириш, шу мақсадда 475 минг сўм маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Хўжаликдаги Юмалоқбош, Уяс ва бошқа қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш масаласи ҳам кун тартибида турибди. Бу иш вилоят газлаштириш бошқармасининг 1991—1993 йиллардаги режасига киритилган. Юқоридаги тадбирларнинг ижросини назорат қилиш район деҳқончилик-саноат уюшмаси (раиси И. Иброҳимов) зиммасига юклатилди.

А. НАРИМОНОВ,
халқ депутатлари Бахмал район Кенгаши ижроия қўмитаси раиси.

Узумчилик муаммоси

ТАРМОҚ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Мамлакат раҳбариятининг охирини пухта ўйламай, шошма-шошарлик билан қабул қилган нотўғри қарори натижасида кейинги йилларда узумчилик ва виночилик жиддий зарар кўрди. Ҳозирги пайтда ўша маъмурий-буйруқбозлик усулининг маҳсули бўлган алкоголизмга қаршн кураш деб аталувчи мавсумнинг нохуш асоратларини бартараф этиш бўйича катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар узумчиликни жадал ривожлантиришга, ишлаб турган виночилик корхоналарини, омборларни таъмирлашга ва янгиларини қуришга, илғор усулларни ҳаётга жорий қилишга йўналтирилган. Таҳририят «Узбекистон» жумҳурият ишлаб чиқариш давлат кооператив бирлашмаси раисининг ўринбосари А. АБДУЛЛАЕВдан ушбу соҳада бажарилаётган ишлар тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

— Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши ҳаммага маълум кураш узумчилик-виночилик соҳасига беҳад зиён етказди. Бу зарар йирик рақамлар билан ўлчанади. Масалан, жумҳурият бўйича сўнгги беш йилликда 640 минг тонна кам узум тайёрланди. Ҳосилдорлик кескин камайди: гектар ҳисобига 83,9 центнердан 63,9 центнерга тушди. Жорий йилда ҳаммаси бўлиб атиги 650 минг тонна ҳосил саранжомланди. Агар мавжуд имкониятни назарда тутсак, бу жуда оз. Тўғриси, узум етиштиришда бениҳоя қулай табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда шундай аҳвол юз бераётганига ишониш қийин.

Кўрилган талафот маҳсулот ялпи миқдорининг кескин камайганлиги билангина ўлчанмайди, албатта. Янги токзорлар барпо этиш, эскиларини таъмирлаш ишларига маблағ ажратилмади. Узумнинг ажойиб навлари, вино хиллари йўқотилдики, илгари булар жумҳуриятимизга шуҳрат келтираётганди. Устига-устак, тармоқда ишни ташкил этишга эътибор сусайди, экин агротехникаси бузилди, соҳибкорлар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш унутилди. Эски тартиб-қоидалар эса уларни рағбатлантирмай қўйди.

Узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликларда иқтисодий манфаатдорлик йўқолди. Бунинг асосий боиси — қайта ишлашга топширилаётган маҳсулотнинг харид баҳоси жуда арзимаслиги, вино тайёрланадиган маҳсулотлар жумҳуриятимиздан ташқарига мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан ҳам паст нархларда сотилади.

Кўриниб турибдики, бу аҳволда тармоқни ривожлантириш, янги, сархил навларни кўпайтириш, соҳибкорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш қийин.

Яқин ўтмишда бўлган нотўғри ишлар вино ишлаб чиқариш саноатига ҳам ёмон таъсир кўрсатди. Кўплаб заводлар мутлақо асоссиз бошқа маҳсулотлар тайёрлашга мослаштирилди. Виночилик ишининг малакали ишчи ва мутахассислари ўз касбларидан жудо бўлишди. Винонинг «Мадёр», «Херес», «Алеатино», «Тўла-Кандоз» каби таниқли хилларини ишлаб чиқариш тўхтатилди. Ишониш қийин, аммо бошқа иложи йўқ: винобоп узумларнинг учдан икки қисми Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетилмоқда. Ҳамма корхоналарда технологик ускуналар ҳар томонлама эскирган.

Юқоридаги гаплардан шуни яққол англаш мумкинки, тармоқ жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Илгариги даражага чиқиб олиш, сўнгра олға интилиш, бозор иқтисодиёти шароитида ишонч билан, самарали иш юритиш учун бугунги кунда катта куч-ғайрат талаб қилинади. Яширмайман, бу бир ё икки йилгина давом этадиган жараён эмас. 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган тадбирларда қолоқликни бартараф қилиш, узумчилик ва виночиликни бир-бирига ўзаро боғлиқ ягона тизилма сифатида жадал ривожлантиришнинг аниқ йўллари белгилаб берилган.

Аввало тармоққа раҳбарлик қилувчи, ҳар қандай масалани дарҳол еча оладиган жумҳуият даражасидаги ягона хизмат кўрсатиш идораси тузилишига эришмоғимиз лозим. Бошқача айтганда, гап ягона мувофиқлаштириш маркази ҳақида бораяпти. Биз ҳозирги пайтда шундай тузилмага эгамизки, унинг қўлида бошқарув ҳуқуқи бор, аммо узумчилик-виночилик ишларининг пировард натижаларига жавобгар эмас. Шу боисдан мевачилик-узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларни совхоз-заводлар, агрокомбинатлар, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмалари, «Плодовощпром»нинг вилоятлардаги бўлинмалари ихтиёрига ўтказишларига солмоқдалар.

Бундай кўппоғонали бошқарувнинг ҳеч қандай фойдаси ёки ёрдами тегаётгани йўқ, аксинча зарари кўп. Моддий-техника таъминоти ниҳоятда ёмон аҳволдалиги, идиш ва шунга ўхшашлар доимий етишмаслигининг боиси шунда. Тармоқда меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини жорий этиш, корхоналарни ижарага бериш мумкин бўлмаётир.

Эндиликда асосий эътибор кўпчиликка маълум ичимлик хилларини тайёрлашга қаратилмоқда. Бошқа маҳсулотлар тайёрлаш, фан-техника ютуқларини қўллаш, режалаштириш, маблағ билан таъминлаш ишлари тўбан яхшиланмоқда. Бизнинг бирлашмамиз ва унинг бўлинмалари хўжаликларга марказлаштирилган капитал маблағлар ажратиш, токлар парваришини кучайтириш, узумнинг техник навлари тайёрлов баҳоларини ошириш юзасидан бир қатор ишларни бажармоқдалар. Бу борада қардош Қирғизистон ССЖ тажрибаси диққатга сазовор. У ерда тармоқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи узумчилик хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари жамиятини тузиш кўзда тутилмоқда. Бошқа жумҳуриятлар, марказий илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқалари кучайтирилмоқда. Жумладан «Сугдиёна» коньяги ва «Регистон» виноси ишлаб чиқариш усулини «Яловена» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ёрдамида ўзлаштираяпмиз. Ёки Москвадаги «Красная заря» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қайта ишлаш корхоналари ускуналарини такомиллаштириш бўйича қимматли таклифлар айтди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида хайрли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Узумнинг харид нархлари қайта кўриб чиқилаяпти. Вино маҳсулотларига янги давлат баҳолари тайёрланмоқда. Узумчилик хўжаликларида ва виночилик корхоналарида аҳволни чуқур ўрганиш, янги амалий тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида бирлашмамиз Самарқандда — боғдорчилик, узумчилик ва виночиликнинг анъанавий марказида жумҳурият илмий-техника кенгашини чақирди. Бу йигин тармоқни ривожлантиришга янги омил бахш этиши шубҳасиз.

И. АҲМЕТОВ
ёзиб олди.

ШАРҲ, МУНОСАБАТ ВА ТАКЛИФ

ДИЛ ТАФТИ

Воқеликдаги беистисно ҳамма ҳодисаларга хос бўлган хусусиятлар ва белгилар энг умумий ёки гоят даражада умумий хусусиятлар, деб аталади.

Таҳририят хатқутисига келиб тушаётган юзлаб мактубларда мен ана шундай умумийликни илғадим, десам муболаға бўлмас. Бугун улкан онланинг тўнғич фарзандидек ҳаёт кечираётган жумҳуриятимиз аҳолисидан келаётган мактубларда оғриқ ва қувонч, жамиятнинг эртанги кунига бўлган ишончдан тортиб беҳаловатлик туйғуларигача бор. Начора, воқеликдан юз ўгириб бўлмайди...

Иқтисодий танглик, жамиятда юзага келган турли ғуруҳлар, партия ва халқ ҳаракати кишиларимизнинг сиёсий ҳушёрлашувига сабаб бўлган дастлабки омиллардир. Ҳаётга тийрак назар пайдо бўлди. Ижтимоий онгнинг янги босқичга қадам қўйгани табиий жараён сифатида талқин этилмоқда. Узоқ танаффусдан сўнггина том маънодаги сўз эркинлигига эришилгани ҳақиқат. Кишиларимизда динга муносабат ўзгарди. Жамиятнинг ўтмиши ва келажагига, меҳнати ва умуман ҳаёт тарзига, миллат ҳамда унинг бойлиги бўлмиш тилига муносабат янги шакл, мазмун эгаллади. Бугун тарихнинг ўқилмаган саҳифалари кўриб чиқилмоқда. Хатолар, бир ёқлама эътибор «эскича» иш услубига айланди. Бир сўз билан айтганда, тараққиёт янги поғонага қадам қўйди.

Ғарчи ривожланиш жараёнида айрим соҳаларимиз номутаносибликка йўлиққан бўлса-да, маънавият оламидаги ютуқлар кишини қувонтиради. Тилимизга давлат тили мақоми берилди. Жумҳурият ўз мустақиллигини эълон қилди. Демократик сайловларга йўл очилди. Ниҳоят, моддий дунёни акс эттириш лаёқати саналган онгимиз эрк тушунчаси билан уйғунлашди.

Тўғри, таҳририятга йўлланган барча мактубларда ҳам бундай «жимжимадор» сатрлар учрамайди. Бироқ уларда ҳаёт ҳақиқати, унинг илиқ нафаси уфуриб турганиш, янги амалий тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида бирлашмамиз Самарқандда — боғдорчилик, узумчилик ва виночиликнинг анъанавий марказида жумҳуриятимиз илмий-техника кенгашини чақирди. Бу йигин тармоқни ривожлантиришга янги омил бахш этиши шубҳасиз.

Янги йил арафасида обуна масаласи қийинчилик туғдиргани рост. Бироқ Эргаш ака Тошматов сингарилар мадади туфайли мавсум дурust якун топди. Шундай муштарийларга минг бор раҳматлар айтгимиз келади. Ўйлаймизки, янги мавсумда уларнинг тилак ва истаклари сўзсиз амалга ошади.

Ҳазорасп районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳабибулло Матёқубов кўпчиликни қизиқтираётган мавзуга —халқ вакиллари фаолиятига мурожаат этган. Муаллиф вилоят Кенгашлари, қолаверса, жумҳуриятимиз Олий Кенгашига сайланган айрим депутатларнинг долзарб муаммоларни четлаб ўтаётганликларини қоралайди. «Ўзбекистон Президенти чайқовчиликни тугатиш ҳақида қарор чиқарди,— деб ёзади у. — Бироқ бизда фармон ижроси етарлича назорат қилинмаётир». Журналистларни ўз қишлоғи — Овшорга таклиф этади муаллиф.

Чиндан ҳам Ҳабибулло Матёқубов фикрлари кишини жиддий ўйлашга мажбур этади. Жумҳуриятимиз раҳбариятидеҳқонга ер берса-ю маҳаллий раҳбар ғов солса, уруш ва меҳнат ногиронларига машина ваъда қилинса-ю муносабат ниманидир талаб этса, қаҳрамон она ўз имтиёзларидан фойдалана олмаса... Ёки — янги сиёсатга ишончсизлик уйғотиш эмасмикан? Ҳазорасп районидаги ҳуқуқшуносларидан Ҳ. Матёқубов танқидларидан тўғри хулоса чиқаришларига ишонгимиз келади.

Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимининг катта терговчиси, милиция капитани М. Воҳидов йўллаган мактуб ҳам танқидий мулоҳазалар асосига қурилган. У Ўзбекистонда қирғинбарот ишларга йўл қўйган Гдлян билан Иванов фаолиятига мутахассис назари билан қарайди. У «қаҳрамон»ларга бўлган юзаки муносабат кечириб бўлмас хато эканлигини исботлашга уринади. Бефарқлик янги «фожиа»ларга йўл очиши мумкинлигини таъкидлаб, фикрларини далиллар асосида изоҳлайди.

Чиндан ҳам бугунгача ўзбек халқи қадр-қиммати, гуруҳини таҳқирлаган шахслар фаолиятига етарли баҳо берилмагани таажжубланарли ҳолдир. Таҳқир гирдобига тушган юзлаб ҳамюртларимиз тақдири бефарқликка юз тутди. Айни ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги уринишлар палласида бунга йўл қўйиш кишиларда ишончсизлик уйғотиш билан баробар. Марказий матбуот нашрлари ва топқир мухбирларига омад тилайман. Ҳурмат билан қозоғистонлик мухлисингиз».

Янги йил арафасида обуна масаласи қийинчилик туғдиргани рост. Бироқ Эргаш ака Тошматов сингарилар мадади туфайли мавсум дурust якун топди. Шундай муштарийларга минг бор раҳматлар айтгимиз келади. Ўйлаймизки, янги мавсумда уларнинг тилак ва истаклари сўзсиз амалга ошади.

Ҳазорасп районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳабибулло Матёқубов кўпчиликни қизиқтираётган мавзуга —халқ вакиллари фаолиятига мурожаат этган. Муаллиф вилоят Кенгашлари, қолаверса, жумҳуриятимиз Олий Кенгашига сайланган айрим депутатларнинг долзарб муаммоларни четлаб ўтаётганликларини қоралайди. «Ўзбекистон Президенти чайқовчиликни тугатиш ҳақида қарор чиқарди,— деб ёзади у. — Бироқ бизда фармон ижроси етарлича назорат қилинмаётир». Журналистларни ўз қишлоғи — Овшорга таклиф этади муаллиф.

Чиндан ҳам бугунгача ўзбек халқи қадр-қиммати, гуруҳини таҳқирлаган шахслар фаолиятига етарли баҳо берилмагани таажжубланарли ҳолдир. Таҳқир гирдобига тушган юзлаб ҳамюртларимиз тақдири бефарқликка юз тутди. Айни ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги уринишлар палласида бунга йўл қўйиш кишиларда ишончсизлик уйғотиш билан баробар. Марказий матбуот ССЖИ халқ депутатларининг қатор анжуманларида янграган фикрларнинг қоғозлардагина қолиб кетгани аччиқ ҳақиқат. Бироқ халқимизда яхшиликни ёмондан ўрган, деган нақл бор. Йўл қўйилган хатолар келажакда кўпчилик учун сабоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Кейинги пайтларда ички ишлар бўлими ходимларининг иш фаолиятлари хусусидаги мақолалар оқимининг кўпайганлиги бизни қувонтираётир. Жомбой райони «Украина» давлат хўжалигининг бош агрономи Абдалим Айматов бўлим инспектори, милиция капитани Анорбой Safаров ҳақида ҳикоя қилади. Афсуски, далиллар, келтирилган мисолларнинг ноаниқлигидан мақолада фойдалана олмадик. Бундан ташқари «очилган жиноят»лар хусусида ўта юзаки маълумот берилган. Жамоатчи мухбирямиз келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслигига умид қиламиз. Тўғри, бундай мактублар унча кўп эмас. Лекин, муштарийларимиз, жамоатчи мухбирлар ўз фаолиятларига янада жиддийроқ муносабатда бўлсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Яна бир мактубга эътибор беринг: «Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларининг сўнгги сессиясида вакилларимизнинг бурч ва маъсулияти бир қадар ойдинлаштирилди»,—деб ёзади Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг тингловчиси Шуҳратжон Иномов ўзининг «Амалий ишга ўтилгач» мақоласида. Муаллиф Поп районидаги депутатларнинг ютуқларига тўхталади. Улар фаолиятини далиллар билан шарҳлашга уринган. «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигидаги илғор пахтакорлар меҳнатига муносабат билдириб, Л. Усмонова, М. Дадалиев сингариларни ҳурмат билан тилга олади. Албатта, мавзу топиб танланган. Бироқ Ш. Иномов ўз мақоласида бир неча соҳаларни ёритишга ҳаракат қилади. Агар мақола ягона йўналишда ёзилганда чуқур таҳлилга эга бўларди.

Қашқадарёлик журналист М. Эсонов, андижонлик Д. Шокиров ва И. Алиев, Ленинград район ички ишлар бўлими инспектори, милиция капитани Анорбой Safаров ҳақида ҳикоя қилади. Афсуски, далиллар, келтирилган мисолларнинг ноаниқлигидан мақолада фойдалана олмадик. Бундан ташқари «очилган жиноят»лар хусусида ўта юзаки маълумот берилган. Жамоатчи мухбирямиз келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслигига умид қиламиз. Тўғри, бундай мактублар унча кўп эмас. Лекин, муштарийларимиз, жамоатчи мухбирлар ўз фаолиятларига янада жиддийроқ муносабатда бўлсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Яна бир мактубга эътибор беринг: «Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларининг сўнгги сессиясида вакилларимизнинг бурч ва маъсулияти бир қадар ойдинлаштирилди»,—деб ёзади Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг тингловчиси Шуҳратжон Иномов ўзининг «Амалий ишга ўтилгач» мақоласида. Муаллиф Поп районидаги депутатларнинг ютуқларига тўхталади. Улар фаолиятини далиллар билан шарҳлашга уринган. «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигидаги илғор пахтакорлар меҳнатига муносабат билдириб, Л. Усмонова, М. Дадалиев сингариларни ҳурмат билан тилга олади. Албатта, мавзу топиб танланган. Бироқ Ш. Иномов ўз мақоласида бир неча соҳаларни ёритишга ҳаракат қилади. Агар мақола ягона йўналишда ёзилганда чуқур таҳлилга эга бўларди.

Қашқадарёлик журналист М. Эсонов, андижонлик Д. Шокиров ва И. Алиев, Ленинград район ички ишлар бўлими инспектори, милиция капитани А. Маматқулов, гулистонлик ҳамкасбимиз Р. Мелибоев ўртоқларнинг мақолаларида ҳам юқоридагидек нуқсонлар кўзга ташланади.

Тўғри, муаллифлар қуюнчаклиги бизни қувонтиради, лекин ҳар қандай танқидий фикр алоҳида маъно касб этишини ҳам унутмаслик керак. Бу журналистнинг бурчигина эмас, касб тақозоси ҳамдир. Шу ўринда жойларда фаолият кўрсатаётган жамоатчи мухбирлардан, газетанинг содиқ муштарийларидан бизга кўпроқ ёзинг, умидсизликка тушманг, танқидий мулоҳазаларингиз, талаб ва истакларингиз бизга қувват ҳамда янги йўналишлар бераётганини унутманг, дегимиз келади.

Совет қурилиши бўлими.

ТАЛАБ ВА ИЖРО

Ҳурматли таҳририят! Ёрдам сўраб сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Бир неча ойдирки, ишсизман. Арзимга қулоқ солдиган киши топилмаяпти. Озиқ-овқат камчиллигига чидаш мумкин. Лекин одамлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилса, бунинг давоси йўқ. Оғир ишларни саломатлигим кўтармайди. Хўжалик раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдим. Улар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Оилам, бола-чақам қийналиб қолишди. Энди бутун умидим сизлардан.

Ю. ИБРОҲИМОВ.
Бойсун районидаги «Бойсун» давлат хўжалиги.

Ушбу шикоят текшириш ва тадбир белгилаш учун халқ депутатлари Бойсун район Кенгаши ижроия қўмитасига юборилганди. Олинган жавобдан аён бўлишича, ижроқўмнинг аралашуви билан Ю. Иброҳимов «Бойсун» давлат хўжалигида енгил иш билан таъминланган.

Халқ депутатлари район Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Султонова шу ҳақда таҳририятга маълум қилган.

УЙ АЖРАТИЛАДИ

Инсон қадр топган жойда азиз. Шу ҳақда ўйларканман, негадир хўрлигим келади. Оиламда 9 жон бор. Шунча киши каталакдек икки хонада яшаяпмиз. Фарзандларимнинг олди бўй етиб қолди. Уларни уйлантириш, турмушга чиқариш керак. Уй сўраб ариза берганимга уч йил бўлди. Ҳамон натижа йўқ. Хўжалик раҳбарлари иш талаб қилишни биллишади-ю, «ҳолинг қалай» деб сўрашмайди. Шу ҳам инсофданми?

Х. САФАРОВ,
Октябрь районидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалиги механизатори.

Сизнинг 394-алоқа хатингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Фуқаро Х. Сафаровнинг арзномаси С. Раҳимов номли давлат хўжалиги раҳбарлари, қишлоқ Шўроси раиси иштирокида ўрганиб чиқилди. Талаб ўринли. Х. Сафаров оиласи ҳақиқатан ҳам қийин шароитда яшаяпти. Шуни ҳисобга олиб, унга 1991 йил III кварталда қуриб битказиладиган уйлардан бирини беришга қарор қилинди.

М. КУЗБАЕВ,
халқ депутатлари Октябрь район Кенгаши ижроия қўмитаси раиси.

Табиат ва инсон

ЭРАМ БОҒИДАН АФЗАЛ

Ўлкамизнинг наботот оламн ранг-баранг. Ўсимликларнинг кенг тарқалган турларидан ташқари ғоят кам учрайдиган, яъни ноёб ҳисобланадиган шифобахш ва манзарали хилларини ҳам кўриш мумкин бу ерда. Баъзиларидан ҳозирги пайтда халқ хўжалиги, аҳоли эҳтиёжи учун зўр бериб фойдаланилаётганлиги сабабли кўпчилиги, айниқса нодирлари йўқолиб кетиши хавфи туғилган.

Ўзбекистон наботот оламини бойитиб турган турлари, генофонди сақлаб қолишга эҳтиёж бўлгани учун ҳам Совет ҳокимияти тонгида, аниқроғи 1922 йилда Ботаника боғи ташкил этилганди. У аввалига генерал-губернатор боғининг собиқ ҳудудида (ҳозир В. И. Ленин майдонига яқин анҳор бўйида) саккиз гектар майдонни эгаллаганди. Ўрта Осиё давлат дорилфунуни тасарруфидаги бу боғ 1944 йилга келиб Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси ихтиёрига ўтказилди. 1950 йилда Тошкентнинг шимоли-шарқий чеккасида янги Ботаника боғига асос солинди. Унинг майдони 80 гектарга етди. 1968 йилдан буён илмий-тадқиқот институти ҳудуқида иш олиб бораяпти.

Ҳозирги пайтда Ф. Н. Русанов номли Ботаника боғи лабораториялари «Ўсимликларнинг муқаддимаси ва иқлимлашуви» мавзуидаги муаммони ўрганмоқда. Илмий ходимлар ишининг ҳажми ва кўлами ғоят кенг. Улар бошқа минтақалардаги наботот олами ўсимликларини жумҳуриятимизга кўчириб келиш, уларнинг йиғмаларини тайёрлаш, халқ хўжалиги учун фойдали, яъни шифобахш, озуқали, манзарали турларини аниқлаш билан шуғулланмоқдалар, кейинчалик маданийлаштириш йўлларини изламоқдалар, шунингдек, Ўрта Осиё наботининг доимий шаронтда ўсадиган нодир турлари генофондини сақлаш, атроф муҳитини муҳофаза қилиш, мослашуви қийин ўсимликларни иқлимлаштириш ва интродуцентлар селекцияси ва ҳоказо ишлар билан машғулдирлар.

Ботаника боғида 5,500 дан ортиқ тур, шакл ва навга эга бўлган муқаддимали ўсимликлар йиғмаси мавжуд. У илмий тадқиқотлар олиб бориш ва жорий этиш учун база вазифасини бажармоқда. Боғнинг дендрарийсида Европа ва Кавказ, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё, Шимолий Америка ва Хитой ўсимликлар дунёсининг 2,500 дан зиёд (жумладан 170 та хушбўй) тури мавжуд. Бу ерда дўлана, қизилча, зирк йиғмалари мавжудки, улар Совет Иттифоқида энг тўлиқ ҳисобланади. Ўтли ўсимликлар (2,200 хилдан ортиқ) турлари орасида Ўрса Осиё лолалари ва эремуруслари йиғмаси жаҳон ботаника боғлари ичида энг катта ҳисобланади.

Ўрта Осиёнинг ноёб ва йўқолиб бораётган 149, шифобахш 375, гулли-манзарали 800, тропик ва субтропик 700 хил ва нав ўсимлик парваришланаяпти.

Ботаника боғи жамоаси тўғма комплекслар воситасида ўсимликларни интродукциялаш усулини ишлаб чиқдики, бу йўлни барча ботаниклар эътироф этишди. Ўзбекистон ўсимликларни интродукциялаш учун истеҳкомдир, деган баҳо берилди.

Тошкент Ботаника боғининг нафақат мамлакатимиздаги, балки ҳатто чет эллардаги худди шундай муассасалар билан илмий ва амалий алоқалари кенг йўлга қўйилган. Жамоа ССЖИдаги ҳамма Ботаника боғлари ҳамда жаҳондаги 54 мамлакатнинг 376 та ботаника муассасаси билан уруғликлар айирбошлаб туради. Бу эса интродуцентлар йиғмасини тўлдириб боришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ихтисослашган хўжаликлари, жумладан Абу Али ибн Сино номли совхоз учун интродукциялашган шифобахш ўсимликларнинг истиқболли 24 туридан иборат ассортимент ишлаб чиқилди, улар агротехникаси бўйича тавсиялар тақдим этилди, шунингдек, боғ-роғлар яратиш учун бирламчи уруғлик ва экиш материаллари етказиб берилди. Шунинг натижасида жумҳуриятимизда шифобахш ўсимлик хом ашёси тайёрлаш учун база вужудга келтирилди.

Ботаника боғи асосий йўналишдаги ишлар баробарида илмий-маърифий муассаса вазифасини ҳам ўтамоқда. У илмий билимларни тарғиб этиш, аҳолини экологик тарбиялаш билан фаол шуғулланмоқда. Ботаника боғини ҳар йили 10 мингдан зиёд киши келиб кўради. Зиёратчилар орасида турли корхоналар, ташкилотларнинг меҳнаткаш ва хизматчиларини, талабалар, ўқувчилар, чет эллик меҳмонлар ва сайёҳларни учратиш мумкин.

Одамлар Ботаника боғига талпинишаётгани бежиз эмас. Чунки у зиёратчининг наботот оламига қизиқишини қониқтиришдан ташқари унга жуда катта эстетик завқ-шавқ бағишлайди. Боғ йилнинг тўрттала фаслида ҳам ажойиб ва бетакрор. Кўклам-да — куртаклар ниш ура бошлаб, ҳаммаёқ нафис яшил-зангор туса кирганда, ёзда — турфа ўсимликлар барқ уриб гуллаганда, кузда — камалакмисол рангларнинг жилоси кўзни қамаштирганда ҳар қандай зўр мусаввир ҳам бундай манзарани тўлақонли акс эттиришга ожизлик қилади. Қишда — уйқуга кетган буталар ва дарахтлар орасида ҳамиша ям-яшил арчалар, қадди тик қайинлар, баҳайбат кедрлар ажралиб турганида боғнинг файзу тароватн яна ўзгача бўлади. Ана у ерда, бурчакда, мўъжазгина кўл атрофида қамишзор, сал шамол кўтарилса, унинг сирли қўшиғига қулоқ тутиш нақадар ёқштли...

О. МАКСИМОВА.

СУРАТЛАРДА: 1. Галина Костелова қарағайзорда. 2. Илмий ходим Ольга Титова. 3. Илмий ходим Татьяна Еснпова ва агроном Мария Мягкова хушбўй ўсимликлар парваришхонасида.

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

Журналистлар бирдамлиги халқаро лотереяси

Прагада (ЧСФЖ) 1990 йил 7 ноябрда ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ҳар бир лотерея билети беш маротаба текширилади. Агар унга 8 рақамли номердан ютуқ чиқмаса, билет номерининг кейинги олти, беш, тўрт ва уч рақамлари жадвалдаги тегишли бўлимлардан солиштирилади.

Шуни назарда тутиш керакки, битта ва айнан ўша лотерея билетига жадвалнинг биринчи ҳамда кейинги ҳар қандай бўлимларидан ютуқ чиқиши мумкин.

Жадвалнинг биринчи бўлимида кўрсатилган ҳар бир номерга битта ютуқ, иккинчи бўлимда 15 та, учинчи бўлимда 150 та, тўртинчи бўлимда 1,500 та ҳамда бешинчи бўлимда ҳар бир уч рақамли номерга 15,000 та ютуқ ўйналган. Шундай қилиб, тиражда умумий миқдори 4.150 минг сўмлик 60.482 та ютуқ чиққан.

I БЎЛИМ. Билетнинг тўлиқ номери текширилади

00257944 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
00468225 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
00499616 «Жигули ВАЗ-2107» автомобили
00507805 «Волга ГАЗ-2410» автомобили
00729225 Магнитофонли «Атари 800XL» компьютери
00878361 1.000 сўм пул ютуғи
01290627 1.000 сўм пул ютуғи
01451812 «Рубина» тикув машинаси (Германия)
01577819 500 сўм пул ютуғи
01584796 Югославияга саёҳат (10 кун)
01597375 «Москвич-21412» автомобили
01609470 «Практика» фотоаппарати (Германия)
01617394 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
01848751 «Практика» фотоаппарати (Германия)
02095957 10.000 сўм пул ютуғи
02230936 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
02350409 «Жигули ВАЗ-2107» автомобили
02414636 «Волга ГАЗ-2410» автомобили
02801971 «Жигули ВАЗ-2107» автомобили
02949443 «Практика» фотоаппарати (Германия)
02977380 10.000сўм пул ютуғи
03088262 Италияга саёҳат (10 кун)
03138443 Рангли телевизор (Япония)
03244596 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
03385306 «Жигули ВАЗ-2107» автомобили
03424608 1.000 сўм пул ютуғи
03757635 Пальто учун қўй териси (МХЖ)
04031843 «Практика» фотоаппарати (Германия)
04036890 10.000 сўм пул ютуғи
04425175 500 сўм пул ютуғи
04478537 «Волга ГАЗ-2410» автомобили
04492396 «Практика» фотоаппарати (Германия)
04554100 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
04610195 10.000 сўм пул ютуғи
04649352 «Электроника» микротўлқинли иситгичи
04676417 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
04731539 Италияга саёҳат (10 кун)
04827180 1.000 сўм пул ютуғи
04950985 10.000 сўм пул ютуғи
05003417 25.000 сўм пул ютуғи
05080684 «Электроника» микротўлқинли иситгичи
05096055 Магнитофонли «Атари 800XL» компьютери
05130861 «Рубина» тикув машинаси (Германия)
05150661 Францияга саёҳат (10 кун)
05245155 Рангли телевизор (Япония)
05335964 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
05426124 «Практика» фотоаппарати (Германия)
05484758 1.000 сўм пул ютуғи
05518842 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
05630756 Рангли телевизор (Япония)
05693179 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
05808002 «Практика» фотоаппарати (Германия)
05839075 Югославияга саёҳат (10 кун)
05844804 1.000 сўм пул ютуғи
05854509 Пальто учун қўй териси (МХЖ)
05872538 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
05883484 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
05900129 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
06038029 1.000 сўм пул ютуғи
06109964 «Рубина» тикув машинаси (Германия)
06137857 «Москвич-21412» автомобили
06194404 «Волга ГАЗ-2410» автомобили
06306644 1.000 сўм пул ютуғи
06323703 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
06404191 «Рубина» тикув машинаси (Германия)
06423173 10.000 сўм пул ютуғи
06472308 10.000 сўм пул ютуғи
06755744 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
06812464 1.000 сўм пул ютуғи
06846010 Аёллар пальтоси учун қоракўл тери (МХЖ)
06858003 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
06894656 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
06935433 «Москвич-21412» автомобили
06962888 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
07003802 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
07133740 «Москвич-21412» автомобили
07150994 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
07298114 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
07443869 Пальто учун қўй териси (МХЖ)
07552916 «Практика» фотоаппарати (Германия)
07621360 «Волга ГАЗ-2410» автомобили
07636266 500 сўм пул ютуғи
07732985 Рангли телевизор (Япония)
07739968 Рангли телевизор (Япония)
07826615 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
07838363 «Рубина» тикув машинаси (Германия)
07935960 1.000 сўм пул ютуғи
08199258 1.000 сўм пул ютуғи
08281274 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
08293807 Пальто учун қўй териси
08335719 500 сўм пул ютуғи
08440863 Италияга саёҳат (10 кун)
08571381 10.000 сўм пул ютуғи
08744406 «Жигули ВАЗ-2107» автомобили
08954406 «Электроника» микротўлқинли иситгичи
09040233 50.000 сўм пул ютуғи
09118986 «Практика» фотоаппарати (Германия)
09526166 Боғбон учун «Вари» мотоблоки (ЧСФЖ)
09545619 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
09628807 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
09646335 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
09729209 «Практика» фотоаппарати (Германия)
10131508 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
10169248 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
10170368 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
10205943 1.000 сўм пул ютуғи
10207435 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
10374969 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
10557419 2х3 метр ҳажмли қўлда тўқилган гилам (МХЖ)
10682155 «Практика» фотоаппарати (Германия)
10747424 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
10827560 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
10941441 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
11058345 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
11255272 Югославияга саёҳат (10 кун)
11516250 «Практика» фотоаппарати (Германия)
11616780 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
11694575 «Москвич-21412» автомобили
11802464 «Электроника» микротўлқинли иситгичи
11873999 Францияга саёҳат (10 кун)
11898687 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
12163796 «Практика» фотоаппарати (Германия)
12602686 500 сўм пул ютуғи
13019339 Аёллар пальтоси учун қоракўл тери (МХЖ)
13521713 10.000 сўм пул ютуғи
13533553 «Практика» фотоаппарати (Германия)
13599311 Югославияга саёҳат (10 кун)
13699625 «Практика» фотоаппарати (Германия)
13891959 «Электроника» микротўлқинли иситгичи
14434330 «Жигули ВАЗ-2104» автомобили
14488796 Францияга саёҳат (10 кун)
14493644 Магнитофонли «Атари 800 XL» компьютери
14553218 Пальто учун қўй терси (МХЖ)
14809506 «Жигули ВАЗ-2109» автомобили
14854418 Аёллар пальтоси учун қоракўл тери (МХЖ)
14860509 10.000 сўм пул ютуғи
14952056 1.000 сўм пул ютуғи

II БЎЛИМ. Билет номерининг кейинги олти рақами текширилади

002251 «Жигули ВАЗ-2107» автомобили
022063 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
051913 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
060937 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
064434 «Таврия ЗАЗ-1102» автомобили
079231 «Таврия ЗАЗ-1102» автомобили
112023 «Рубина» тикув машинаси (Германия)
127159 Электр кофе майдалагич (ВЖ)
164735 500 сўм пул ютуғи
165655 Аравача-сумка (ЧСФЖ)
173509 «Таврия ЗАЗ-1102» автомобили
197959 Кофе қайнатгич (ВЖ)
231555 Гилам тозалайдиган шчётка (ЧСФЖ)
233821 «Мрия-2» ошхона машинаси
315465 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
356540 «Москвич-21412» автомобили
369091 «Малютка» кир ювиш машинаси
375223 Пальто учун қўй териси (МХЖ)
381839 Аёллар пальтоси учун қоракўл тери (МХЖ)
386719 Сафархалта (ПЖ)
416754 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
496303 Гилам тозалайдиган шчётка (ЧСФЖ)
511440 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
536595 Гилам тозалайдиган шчётка (ЧСФЖ)
566024 1.000 сўм пул ютуғи
572311 «Таврия ЗАЗ-1102» автомобили
575845 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
584939 Гилам тозалайдиган шчётка (ЧСФЖ)
598286 Рангли телевизор (Япония)
601133 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
635032 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун, (икки ўринли каюта)
681988 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
690533 «ЗИЛ» холодильниги
720246 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
762818 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
791338 «Москвич-21412» автомобили
794124 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
817969 «Малютка» кир ювиш машинаси
823413 «Малютка» кир ювиш машинаси
827710 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
840114 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
933709 Гилам тозалайдиган шчётка (ЧСФЖ)
999976 Аравача-сумка (ЧСФЖ)

III БЎЛИМ. Билет номерининг кейинги беш рақами текширилади

06139 Сочиқлар йиғмаси (ЧСФЖ)
08166 Сайёҳлар учун идишлар йиғмаси (БЖ)
09560 Камзул (ВСЖ)
13336 «Сатурн» II 401С» магнитофон-проигрователи
14060 Волга бўйлаб теплоходда саёҳат, 20 кун (икки ўринли каюта)
17572 «ЗИЛ» холодильниги
20632 «Электросила-2» электр чангютгичи
21811 «Малютка» кир ювиш машинаси
27510 500 сўм пул ютуғи
28787 Енгил ёпиғич (ЧСФЖ)
31296 Тўқиш учун калава — пластик сумкада 3х200 г. (ЧСФЖ)
31410 Атташе чамадони (ЧСФЖ)
32001 500 сўм пул ютуғи
34158 Сочиқлар йиғмаси (ЧСФЖ)
35716 Иссиқ сақлайдиган сумка (ЧСФЖ)
37063 «Ведуга» миксери
37401 «Сатурн П 401С» магнитофон-проигрователи
43287 «Электросила-2» электр чангютгичи
48761 «Сатурн П 401С» магнитофон-проигрователи
49497 «Малютка» кир ювиш машинаси
54103 500 сўм пул ютуғи
55404 Сочиқлар йиғмаси (ЧСФЖ)
57028 Йўлбоп қўнғироқли соат (Германия)
59395 Енгил ёпиғич (ЧСФЖ)
62080 Атташе чамадони (ЧСФЖ)
62345 Камзул (ВСЖ)
67774 «Чайка» 142М» портатив тикув машинаси
67923 Йўлбоп шахмат (ПЖ)
71434 Атташе чамадони (ЧСФЖ)
72466 Енгил ёпиғич (ЧСФЖ)
74311 Эркаклар учун пардоз-андоз буюмлари йиғмаси (ЧСФЖ)
83998 Атташе чамадони (ЧСФЖ)
87506 «ЗИЛ» холодильниги
89836 ЭМШ-33/100-4 электр гўштқиймалагич
94185 1.000 сўм пул ютуғи
94479 Днепр бўйлаб теплоходда саёҳат, 15 кун (икки ўринли каюта)
94530 «Сатурн П 401С» магнитофон-проигрователи
98349 Сочиқлар йиғмаси (ЧСФЖ)

IV БЎЛИМ. Билет номерининг кейинги тўрт рақами текширилади

1383 Рўзғорбоп сумка (ПЖ)
2906 Металлдан ишланган термос, 1 литр
4335 «Электроника» болалар ўйинчоғи
4483 Рўзғорбоп сумка (ПЖ)
7205 «Электроника МК-51» микрокалькулятори
8031 «Любава» ёзув машинкаси

V. БЎЛИМ. Билет номерининг кейинги уч рақами текширилади

369 Т-1 таймери
571 «Электроника-5» қўл соати, арт. 18394.1
979 «Агат-18К» фотоаппарати тери

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

1. Ютуқларни олиш учун лотерея билетлари исталган почта бўлими орқали очиқ қимматли хатда топшириш ҳақидаги буюртма қоғози билан қуйидаги манзилгоҳга юборилади: 121019, Москва, Калашний переулкаси, 3-А, ССЖИ Журналистлар уюшмасининг Халқаро лотерея бошқармаси. Бунда жўнатувчи икки нусхада одатдаги почта ёзуви (107-шакл)ни тўлдиради. Унда ютуқ чиққан билетнинг тўлиқ номери кўрсатилади. ПОЧТА ЁЗУВИНИНГ ОРҚА ТОМОНИГА АЛБАТТА ДАСТХАТ ҚИЛИБ ПОЧТА ИНДЕКСИ, МУФАССАЛ ТУРАР ЖОЙИ, ФАМИЛИЯСИ, ИСМИ ВА ОТАСИНИНГ ИСМИ (ТЎЛИҚ) ЁЗИЛИШИ КЕРАК. Ана шундай талабга риоя қилинмаса, ютуқни жўнатиш иложи бўлмайди.

2. Мўассасалар манзилгоҳи ва «талаб қилиб олгунча» белгиси бўйича ютуқлар жўнатилмайди.

3. Ютуқлар РСФСЖ Савдо вазирлигининг «Роспосилторг»и орқали 1991 йил 1 февралдан бепул юборила бошланади.

4. Автомобиллар чиққан лотерея билетларининг эгалари почта ёзувида паспорт серияси ва номерини, ким томонидан ва қачон берилгани, прописка қилинган манзилгоҳни кўрсатишлари шарт.

5. Ҳажми катта ютуқларни (автомобиллар, холодильниклар) олиш учун юк (кичик) тезлиги операциясини бажарадиган энг яқин темир йўл станцияси ёки пристан (порт)ни кўрсатиши зарур.

Йирик ҳажмдаги ютуқлар кичик тезликда уни олувчи яшаб турган манзилгоҳга яқинроқ жойга темир йўл станцияси (порт) томонидан етказиб берилади. Ундан уёғига молни эгаси ўз ҳисобига олиб кетади.

6. Ютуқни етказиб бериш муддати — лотерея билети бошқармага келиб тушган кундан бошлаб 3 ой.

Тўрт ой мобайнида ютуқ эгасига етказиб берилмаган тақдирда бу ҳақда Халқаро лотерея бошқармасига маълум қилиниши лозим.

Алоқа вазирлиги корхоналари почта жўнатмаларини қидирув юзасидан шикоятларни у юборилган кундан бошлаб олти ой мобайнида қабул қиладилар.

7. Ҳар бир ютилган буюм алоҳида посилка, бандероль қилиб жўнатилади.

8. Пул ютуқлари почта орқали тўланади.

9. Бир ютуқни иккинчиси билан алмаштириш мумкин эмас.

10. Ютуқ чиққан лотерея билетлари бевосита Халқаро лотерея бошқармасининг ўзига тақдим этилиши ҳам мумкин: Калашний переулкаси, 3-А, метронинг «Арбатская» бекати, шунингдек 39,89-автобуслар, 2, 5, 15, 31-троллейбусларда «Арбат майдони» бекатигача борилади. Билетлар якшанба ва душанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 19 гача, шанба куни эса соат 17 гача (тушлик танаффус соат 13 дан 14 гача) қабул қилинади.

11. Халқаро лотерея бошқармасига ютуқли билетларни тақдим этишнинг охирги муддати — 1991 йил 30 июнь. Шундан сўнг лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва ютуқлар тўланмайди.

12. Жамғарма банки мўассасалари журналистлар ҳамкорлиги халқаро лотереяси билетларини қабул қилмайди ва ютуқларни тўламайди.

13. Журналистлар ҳамкорлиги халқаро лотерея билетлари ССЖИ Журналистлар уюшмаси ташкилотлари томонидан тарқатилади. Билет нархи: 1 сўм.

14. Халқаро лотерея бошқармаси билетларни почта орқали юбормайди. Маълумотлар олиш учун телефон: 291-01-76.

ССЖИ Журналистлар уюшмаси Халқаро лотерея бошқармасининг бошлиғи И. МЕДВЕДЕВ.

Бош бухгалтер С. РИЖАВИНСКАЯ.

СПОРТ АХБОРОТИ

ЧЕМПИОННИНГ ҚУШ ЮТУҒИ

Эрта-индин рўзномаларда мавсумнинг энг кучли ўн спортчисини аниқлаш юзасидан ўтказилган анъанавий танлов якунлари эълон қилинади. «Советский спорт» хабар беришича, ана шу рўйхат бошида машҳур совет гроссмейстери, жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг фамилияси турибди. У мамлакатимизнинг бу йилги мавсумдаги энг кучли спортчилари ўртасида карвонбоши деб тан олинди.

Бу табиий ҳолдир. Мана бир неча йилдирки, ер юзидаги гроссмейстерлар ўртасида унга тенг келадиган шахматчи топилмаяпти. У мамлакатимизнинг иккинчи вакили, собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан баҳсда ғиллонинг сақлаб қолди. Улар ўртасидаги навбатдаги партияда оқларнинг 43-юришидан сўнг дуранг натижа қайд этилди. Бу Каспаровга кўзлаган мақсадига эришиш, яъни шахмат тожини яна уч йилга сақлаб қолиш имконини берди.

У рақиби билан яна икки марта куч синашиши керак. Негаки, жаҳон биринчилиги учун матч ғолиби аниқланганн йўқ. Эҳтимол, бунинг учун бир партия кифоя қилар. Каспаров матч ғолиби бўлиши учун ярим очко олса бас.

КУЧЛИЛАР САФИДА

Ҳамюртимиз, тошкентлик таниқли спортчи Радион Гатаулин мана бир неча йилдирки, ўзининг юксак натижалари билан ишқибозлар эътиборини жалб этмоқда.

Маълумки, у лангар чўпда баландликка сакраш бўйича мусобақаларда қатнашади. Донецклик ажойиб спортчи Сергей Бубка бир неча йиллардан буён спортнинг бу турида мағлубият нималигини билмайди. У йирик халқаро мусобақалар, жаҳон биринчиликлари, олимпиада ўйинларида муттасил равишда ғолиб бўлади. Аммо кейинги йилларда Радион у билан бемалол баҳслашаяпти. Ҳамюртимиз аста-секин таниқли спортчи даражасида натижалар кўрсата бошлади. Мана ниҳоят бу йил ўтказилган қатор йирик мусобақаларда у биринчи ўринни эгаллади. Радионнинг бу ҳизматлари тан олиниб, у мамлакатимизнинг кучли енгил атлетикачилари ўртасида энг яхшиси сифатида ўн спортчи қаторидан ўрин олди.

ОКЕАН ОРТИДАГИ БАҲСЛАР

Совет хоккейчиларининг Шимолий Америкадаги профессионал клублар билан баҳсларн давом этмоқда. Москва армиячилари бу ердаги илк учрашувни ғалаба билан якунлашди. Улар Детройт шаҳрида маҳаллий «Детройт Ред Уингз» клубини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шайбаларни командамиздан Коваленко (иккита), Востриков, Масленников, Прокопьев киритишди.

Армиячилар яна олтита учрашув ўтказишлари керак.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1998. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Маҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12